ОЗОД ЭЛ, ОБОД ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Qishloq HAYOTI

2001 ЙИЛ 31 август, ЖУМА

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

№ 103-105 (6316-6318).Сотувда эркин нархда

Ф.ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

БИЗ УЧУН МУСТАҚИЛЛИК - ЎЗ ЭРКИНЛИГИМИЗНИ АНГЛАШГИНА ЭМАС, БАЛКИ АВВАЛО ЎЗ ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗ ИРОДАМИЗ БИЛАН ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРИШ ҲУҚУҚИДИР.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мутал (Мутаваккил) Бурхонов мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН, ДЕЯ АТАЛУР!

Мана ўн йилдирки жаҳон харитасида Ўзбекистон, дея аталган Озод ва Мустақил давлат бор. Ўзининг муносиб, барқарор ўрнига эга. Мана ўн йилдирки, БМТ қарорғоҳидаги пештоқида Ўзбекистоннинг ўз байроғи ҳилпираб турибди.

Мана ўн йилдирки, ўз Туғроси, ўз Конституциясига эга бўлган юрт эркин ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Унинг зукко ва бунёдкор эли асрларга татигулик, оламшумул, тарихий ишларни амалга оширмоқда...

Дарҳақиқат, шундай: мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини, таъбир жоиз бўлса, улкан бир довонга муқояса этиш мумкин.

Табиийки, бу довонни забт этиш осон кечгани йўқ. Ўтган ўн йилнинг ҳар йили, ҳар ойи, қолаверса ҳар бир куни тинимсиз меҳнат, изланиш, машаққатларга йўғрилгандир. Аммо қафасдан қутилган лочин юксакларга учгани сари кучлангани, булутлар бағрини йирта борганидек, тушовлари ечилгани учқур тулпор бепоён кенгликларга интилгани сари шиддатланганини, тўсиқларни чил-парчин этганидек, навқирон мамлакатимизнинг олға томон қадамлари тобора дадил, тобора ишончли, тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Пок умидларни дилга тугиб, ёрқин келажак сари буюк мақсадлар сари йўлга чиққан улуғ карвонимизнинг аҳди қатъий. Доно ва жасур сарбони шиддатли, раияти аҳилу ҳамжиҳат эканлиги қалбимизга ғурур ва сурур бағишлайди. Дўстларимиз дунёдаги жамийки эзгу ниятли кишилар хайриҳоҳу йўлдош эканидан суюнамиз. Уларга бағримизни кенг очамиз. Зеро, Жаҳон Ўзбекистон билан тўлиқ ва қудратли, Ўзбекистон эса Жаҳон билан тўлиқ ва шавкатлидир. Тенглар ичра тенгмиз, яхшига яхшимиз, ёвга эса ...

Истиқлолимизни кўролмаган ғаразли кучлар ўзбек эли, ўзбек феъли нечоғлик қаҳрли ва ёвқир эканини кўрди. Тоза тупроғимизга ифлос тумшуғини тиқмоқчи бўлган газандалар мажақланди ва ҳамиша шундай бўлажак.

Алҳол, шодон кунларда шоён сўзлардан сўзламоқ фарздир. Инчунун, шаҳру қишлоқларимизда мислсиз улкан қурилишлар бораётганлиги, маънавиятимизнинг теран илдизларидан баҳриёб замонавий тафаккур, оламшумул кашфиётлар очаётгани, бир сўз билан айтганда, жонажон Ўзбекистонимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий жиҳатдан тез суратлар билан ривожланаётгани ва жаҳондаги юксак мутараққий давлатлар сафига интилаётгани айни ҳақиқатдир.

ҒУРУР

Бугун Ўзбекистоннинг ўз донию нони, ўз пахтасию нефти, ўз автомобилию (куни кеча Асакада яна бир янги, замонавий "Матиз" автомобили конвейрдан чиқди) самолёти ва энг муҳими, Юртбошимиз таъбири билан айтганда бетакрор салоҳиятга эга бўлган меҳнатсевар, сабр-тоқатли халқи бор. Бундай халқ иншооллоҳ, энг улуғ, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилмоққа қодирдир. Дарвоқе. Халқимизнинг озодликка, истиқлолга бўлган қураши, бу курашда қурбон бўлган азиз фарзандлари хотираси нечоғлик чуқур ҳурмат-эҳтиром билан эъзозланаётганини кўриб, билиб турибмиз. 31-август Президент Фармони билан қатағон қурбонларини ёд этиш куни, деб белгиланди.

Шубҳасиз, ўн йилнинг ўзи бир каттакон тарих, айни пайтда у асрлар силсиласида кичик бир муддат.

Зеро, ҳаёт тўхтамайди, ҳаёт абадий...

Бинобарин, олдимизда бундай ўн йилликлардан минг-мингтаси турибди.

Ёруғ умид, комил ишончким, Мустақил Ўзбекистон мамлакати, мард ва матонатли ўзбек халқи янгиянги ўн йилликлар оша, янги-янги асрлар ҳамда минг йилликлар сари дадил, музаффар олға боравради. Бу фақат эзгу ниятнинг ўзигина эмас. Бу – ҳаммамизнинг қалбимиздаги мужассам аҳд ва қатъиятдир.

Ўзбекистон дунё тургунча турсин! Истиқлолимиз абадий, ҳаётимиз осойишта, равнақимиз барқарор, эртамиз нурафшон бўлсин!

Энг улуғ, энг азиз байрам!

Абдували АБДУРАҲИМОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Чортоқ туманидаги "Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги" ширкат хўжалиги бош пудратчиси:

-Мустақилликдан буён ўтган шу ўн йил қалдимни ростлаган, меҳнатим қадр топган йиллар бўлди. Бутун умрим ҳам бир бўлди-ю, шу сўнгги ўн йил ҳам бир бўлди.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида истиқомат қилувчи уч аср билан юзлашган 115 ёшли Зайнаб момо ЙЎЛДОШЕВА:

-Қариялар дуоси ижобат дейишади, Юртимиз, халқимиз ҳақига кеча-ю кундуз дуодамиз! Ҳайтовур, Мустақиллик туфайли кўп ўзгаришлар бўляпти. Тўйимиз ҳаммага муборак бўлсин!

Доктор Мартин ХЕККЕР, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

-Биз, Президент Ислом Каримовдан, нафақат ўз мамлакатида, балки бизнинг икки томонлама алоқаларимизда совет давридан қолган ва ҳозиргача баъзи МДҲ мамлакатларида ҳали ҳам мавжуд иллатларни бартараф қилгани учун жуда миннатдормиз.

Чой Джу Хенг, "Кабул Текстайлез Ко ЛТД"нинг МДҲдаги ваколатхонаси раҳбари

-Ўзбекистонга келганимга бир йилдан ошди. Ватанингизда беқиёс имкониятлар мавжудлигига амин бўлдим. Сизлардаги табиий бойликларнинг чеки йўқ. Шундай пайтда, ўз-ўзимга иқрор бўлиб дейман: "Ўзбекистон албатта буюк давлатга айланади!"

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ, бокс бўйича олимпия чемпиони:

-Мен ҳар гал рақибларим билан рингга чиққанимда, кўз ўнгимда сўлим боғлар, мағрур тоғлар, танти, чапани деҳқонлар, мунис онажонимнинг сафарим олдидан қилган дуолари жонланади. Улардан билакларимга куч инган-дек бўлади. Озод Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишдан чарчамайман!

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони
Ўзбекистон Халқ шоири

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун –
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда, бироқ
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб,
Тополмасам, чекмасман алам.
Ўтирмасман эртаклар сўзлаб,
Мусалло деб йўнмасман қалам.
Кўкламингдан олиб сурурни,
Довруғ солди устоз Олимжон,
Ғафур Ғулом туйган ғурурни
Қилмоқ мумкин дунёга достон.
Олис тарих қадамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

(Давоми 8-,9-,20 бетларда)

Жумабой ХАЛИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги теплица хўжалиги пудратчиси:

"ҚУТЛОВ ЙЎЛЛАЙМАН, ОРОЛ БЎЙИДАН!"

Мустақиллик туфайли жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жабҳаларда ҳамкорлик қилиш имконияти яратилди.

Эркинлик қўлга киритилмаганда, узоқ Нукус туманидаги бизнинг хўжалик билан Италия, Исроил сингари тараққий этган давлатларнинг йирик компаниялари ўртасида алоқалар йўлга қўйилиб, кўшма корхоналар ташкил этиш қаёкда эди дейсиз?!

ДИЛ ИЗҲОРИ

Истиқлол шарофати билан Италиянинг "Алберто Бертуччи" компанияси ўртасида шартнома тузилиб, соатига етти-ўн тонна помидорни қайта ишлайдиган корхона барпо этилди. Уни қуришда Осиё Тараққиёт банкидан беш йил муддатга олинган 2,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланилди. Корхона маҳсулоти – томат пастаси асосан хорижга экспорт қилинади. Хусусан, Германияга 2 минг тонна шундай неъматни етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган.

Хўжалигимизда фақатгина маҳсулот ишлаб чиқаришда эмас, балки, сабзавот етиштиришда ҳам дунё миқёсида тажрибадан ўтган фан-техника янгиликлари жорий этилмоқда. Дастлаб, Исроилнинг "Нетафим" фирмаси билан шартнома тузилиб, 6 гектарлик иссиқхонада экинларни томчилатиб суғориш усулидан фойдаланишга ўтилди. Бунинг самараси яхши бўлди. Чунончи, 2001 йил қиш даврида эл дастурхонига 320 тоннадан зиёд помидор ва бодринг етказиб бердик. Бу усулдан эндиликда очиқ далада ҳам фойдаланяпмиз. Исроилнинг бошқа – "АИК" фирмаси мутахассислари билан ҳамкорликда очиқ далага экилган 40 гектар помидор, 29 гектар карам, 20 гектар полиз экинларини парваришлашда томчилатиб суғориш усули қўл келмоқда. Бу оби-ҳаётни тежаш, харажатларни камайтириш имконини бераяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, хўжалигимиз сабзавоткорлари, қолаверса, Орол бўйи меҳнаткашлари номидан мамлакатимизнинг барча фуқароларини Мустақилликнинг 10 йиллик байрами билан самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Машарип ҚУВОҚОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ПОК НИЯТЛИ КИШИЛАР

Истиқлол ўзбек деҳқонига энг биринчи навбатда эркинлик берди. У ўз меҳнатининг ҳузурини кўрадиган бўлди. Айтингчи, агар юртимиз узра ҳуррият насимлари эсмаганида, мендек оддий деҳқон оиласидан етишиб чиққан бир инсон "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон билан тақдирланган бўлармиди... Йўқ, албатта.

Мен раҳбарлик қилаётган Боғот туманидаги "Боғот" ширкат хўжалиги меҳнат аҳли ўтган йили ҳалол ва сидқидилдан тер тўкишди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам айтиб турибди. Ширкат аъзоларимиз давлатга 3744 тонна пахта, 821 тонна ғалла, 6481 тонна қанд лавлаги етиштириб беришди. Натижада хўжалигимиз 2000 йилда 724 миллион 55 минг сўм даромад қилди.

Тарих қатига жо бўлган ўтган 10 йил ичида хўжалигимиз нафақат оёққа турди, балки қишлоқ қиёфасидаги ўзига хос замонавий шаҳарчага айланди. Одамларнинг турмуш шароитлари яхшиланди. Буни эл-улуснинг юзидан, руҳиятидан англаб олиш қийин эмас. Яна бир бор айтаман, бу ўзгаришларнинг барчаси ҳурриятнинг самараси, истиқлол берган бахт! Халқимиз энг улуғ ва қутлуғ байрамимиз Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб меҳнат ютуқлари билан ҳисса қўшаверади, деб ишонтира оламан.

Барча хоразмликлар, шу жумладан, Боғот туманидаги "Боғот" ширкат хўжалиги меҳнат аҳли Ҳуррият байрамининг ўн йиллиги билан юртдошларимизни чин дилдан самимий муборакбод этадилар.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ

ШУКРОНАЛИК

Чор Россияси Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни босиб олганидан кейин бу ерда амалга оширган дастлабки ишлари қамоқхоналар қуриш бўлган. Тошкентда ҳам шундай масканлардан бири қурилган.

Бу маскан, ўйлаймизки, бўш турмаган. Аммо большевиклар ҳокимият тепасига келишлари ва ўзларини ҳокими мутлақ деб ҳис қилишлари билан қамоқхоналарни махбусларга тўлдириб ташладилар.

Камина атоқли ва ардоқли шоиримиз Миртемир ҳаётининг номаълум саҳифаларини варақлаш имконига эга бўлганимда, унинг 1932 йили 22 ёшида қамоққа олингани ва ўша йиллардаги энг даҳшатли қурилишлардан бири – Москва-Волга канали қурилишига юборилганини билдим. Бу воқеанинг даҳшатли томонларидан бири шунда эдики, унга қўйилган айб мутлақо тушунарсиз эди. Мен ҳатто ёш шоирнинг бирор айби учун эмас, балки давлатнинг қайси бир ўйинини яшириш учун қамоққа олинган, деб ўйлайман. Гап шундаки, у билан бирга яна бир тенгдоши ҳам ҳибсга олинган, аммо у маълум муддат қамоқда сақлангач, хорижга бошқа бир мақсадда чиқариб юборилган. Миртемир эса Тошкентдаги "Меҳнат-кузатув лагери"да икки йил ётгач, Дмитлагга – Москвадаги улкан қурилишга юборилди.

Ўз олдига катта режаларни қўйган совет давлати пахта мустақиллигига эришиш учун Украина чўлларида ҳам пахта етиштириши, Мирзачўл сингари чўл зоналарини ўзлаштириши, Беломорканал сингари қурилишларни амалга ошириши, Колимадаги олтин конларини ўзлаштириши керак эди. Бу жойларга эси бор одамзоднинг ўз хоҳиши билан бориши маҳол эди. Шунинг учун ҳам маҳбуслар армиясини яратиш кун тартибига қўйилди. Минглаб кишилар босмачи муштумзўр, аксилинқилобчи, советларга қарши, халқ душмани деб эълон қилинди.

Камина яқин-яқингача махфий бўлиб келган архивларда ишлашим жараёнида шу нарсанинг шоҳиди бўлдимки, ГПУ-НКВД қошидаги бўлимлар қамоққа олиш борасида бир-бири билан мусобақа ўйнаган. Шундай ҳоллар бўлганки, терговчиларнинг ўзлари бегуноҳ кишиларни ушлаб олиб, обдон қийнаганларидан кейин улар мавжуд бўлмаган аксилинқилобий ташкилотлар тўғрисида, уларнинг ўнлаб аъзолари тўғрисида маълумот берганлар, тўғрироғи, шу ҳақдаги қайдномаларга имзо чекишга мажбур этилганлар. Ана шундай йўл билан Самарқандниинг Жомбой туманида 56 кишилик аксилинқилобчи ва исёнчилардан иборат ташкилот "фош бўлган". Сурхондарёда 47 кишидан иборат советларга қарши йўқ ташкилотнинг аъзолари ҳибсга олиниб, аксари шошма-шошарлик билан отиб ташланган. Оққўрғонда, Кавардонда ва бошқа қишлоқ жойларда минглаб кишилар туҳмат орқасида йўқ бўлиб кетганлар. Улар хотирасини Мустақиллик байрами арафасида ёд этишимиз тасодифий эмас. Мен шунга аминманки, улар бундай қора кунлар, азоб-уқубатларнинг фарзандлари ва неваралари бошига тушмаслигини истаганлар, бинобарин, бугунги Истиқлол нашидаси билан тўйинган кунларнинг келишини орзу қилганлар. Шунинг учун ҳам 1 Сентябрь – Мустақиллик байрами арафасида Қатағон қурбонларини ёд этиш, уларнинг Юнусободдаги рамзий қабрларини зиёрат қилиб, улар хотирасига тиловат қилишимиз бизнинг фарзандлик ва ватандошлик бурчимиздир.

Наим КАРИМОВ,
"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси.

ШАҲИДЛАР НОМИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Биз аввал чоризм даврида, кейин шўролар қўли остида 130 йил қатағонлар, зулмлар, турли бўйинтуруқлар ва исканжалар остида яшадик.

Лекин 130 йиллик зулмат қўйнида бирор кун ҳам халқимиз қалбини ОЗОДЛИК туйғуси тарк этмади. Мустамлакачилар бу туйғуни ўлдириш учун, бутун халқни манқуртга айлантириш учун бир-биридан даҳшатли чора-тадбирларни кўрдилар. Айниқса, шўролар ҳокимият тепасига келган биринчи кунларидан бошлабоқ маҳаллий халққа ўта шафқатсизлик билан ваҳшийларча муносабатда бўлдилар. Улар қирғин ва қатағонни, талончилик ва қотилликни инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражага етказдилар. Натижада шўро ҳукуматининг дастлабки уч-тўрт йилидаёқ Ўзбекистон аҳолисидан миллион кишидан (!) ортиғи қириб ташланди. Янги ҳокимият биринчи кунлариданоқ зиёлиларнинг ҳар қандай ҳаракатини қаттиқ назорат остига олдилар. Масалан, Фитрат "Ярашмаган гажаклар" мақоласида 1919 йилда Тошкентда "Чиғатой гурунги" деб аталмиш маданий-маърифий ва илмий тўгарак мажлисларини милтиқли қизил гвардиячилар назорати остида ўтказишга мажбур бўлганини ёзади. Кейин 20-йилларнинг бошлариданоқ ҳамма жадидлар ошкора таъқиб остига олинди. Большевиклар халқ қалбида қўрқув салтанатини барпо этмоқ учун ҳар 4-5 йил ичида халқ ичидан чиққан атоқли арбоблар устидан суд жараёнларини ўтказиб турарди. 1925 йилда "Иноғомовчилар иши", 1930 йилда Боту, Маннон Рамзий, сал кейинроқ "Қосимовчилар иши", "Бадриддиновчилар иши" ва яна бошқа ўнлаб "ишлар" бунинг далилидир.

Ошкора репрессиялардан ташқари яна ҳаётда яширин репрессиялар ҳам ўтказилиб турилади. Айниқса, марказдан республикага ноиб ёки тўғрироғи, нозир сифатида қўйилган айрим арбоблар ўзларига қарши гап айтган ва ҳатто тик қараган ҳар қандай одамдан ўч олмасдан қўймас эдилар. Айниқса, бундай одамлар етук зиёли бўлса, ундай одамларнинг ҳаётини заҳарлаб, ажалидан беш кун бурун оламдан кўз юмишга мажбур қилардилар. Бундай "нозик" ишлар турмаларда, судларда эмас, муҳташам кабинетларда, партия бюроларида, ҳар хил муҳокамаларда амалга ошириларди.

Биз бу йил қатағон қурбонларини ёд этиш кунини биринчи марта нишонламоқдамиз. Умид қиламизки, бундан кейин шу азиз Ватанимизнинг озодлиги йўлида курашган ҳар бир шаҳиднинг хотирасини муносиб эъзозлашга ҳаракат қиламиз. Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фидокор ўғлонлари ҳам қачон ва қаерда ўтганлигидан қатъий назар, ўзбек халқининг узвий қисмига киради.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Истиқлол ва Андижон. Мана шу икки сўз замирида яқин ўн йиллик мазмун-моҳияти мужассам. Шубҳасиз, Андижон кўҳна музофот ва лекин назаримизда ҳуррият уни қайта кашф этгандай. Мустақиллик йиллари бутун бир Ўзбекистон диёри таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги ҳақиқат. Энг залворли ўзгаришлар Андижонда юз беряпти, дея эътироф этгинг келади. Вилоятнинг қайси бир гулшани, қайси бир гўшасига қадам босманг, Озодликнинг неъматларидан тотишга, халқнинг жўшқин ва кўтаринки кайфиятига назар ташлашга, энг муҳими одамлардаги буюк келажакка ишонч руҳи барқарорлигига амин бўласиз.

МЕҲНАТУ МАЪРИФАТ ҲАМ АНДИЖОНГА ЯРАШГАЙ,

СИР ЭМАС, КЎПЛАР УНГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШГАЙ

Бугун Андижонда қандай улкан ишлар рўёбга чиқарилаётган бўлса, буларнинг барчаси Озодлик деб аталмиш улуғ неъмат билан боғлиқдир. Шунданми, бу ерда Мустақиллик қадрига етадилар, кўзларига тўтиё қиладилар, унинг заминини мустаҳкамлаш учун жонларини фидо этадилар. Келинг, яхшиси ўтган ўн йил мобайнида вилоятда юз берган ўзгаришларни хаёлан кўз олдимизга келтирайлик.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда автомобиль корхонаси қурилажаги ҳақида хушхабар тарқалди. Орадан атиги ўн етти ярим ой ўтгач, 1996 йилнинг 25 март куни Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси конвейеридан "Дамас" русумли микроавтобус тушди. Ўша йилнинг 17 июнида эса "Тико" кўчага чиқди. Орадан кўп ўтмай 19 июлда шу корхонада тайёрланган хушбичим "Нексия" енгил машинаси дунёнинг турли томонларидан келган меҳмонлар ҳамда журналистлар иштирокида конвейердан олинди.

Бу тантанада Президентимиз "Мен ҳар бир хонадонда ана шундай ўзимизнинг машиналаримиз бўлишини орзу қиламан" деб қўшма корхона ишига фотиҳа бердилар.

Асакада юз берган Ўзбекистон мўъжизасига энди ҳамма ҳавас билан боқяпти. Ўзимизда, қолаверса хорижда Асакада тайёрланган енгил машиналарга талаб катта. Шу йилнинг май ойида иш бошлаганига эндигина беш йил бўлган қўшма корхона конвейеридан 250 мингинчи машина олинди. Яқинда бу ерда янада

қулай, кўркам "Матиз" русумли енгил автомашина ишлаб чиқарила бошланди. Йил охирига қадар бундай машинадан 7 мингтаси тайёрланади. Ана шу воқеа муносабати билан Юртбошимиз яна бир бор "ЎзДЭУавто" корхонасида бўлиб, ишларнинг бориши билан танишдилар. Шуни таъкидладиларки, қўшма корхонанинг келажаги янада порлоқ. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаган ҳолда енгил машиналарнинг янги авлодларини яратиш устида ишлар изчил давом этаверади.

Биргина Андижоннинг ўзида автомобиль саноатига бутловчи қисмлар етказиб берадиган олтита қўшма корхона ташкил этилди. Бу билан маҳаллий йигит-қизлар ўз иқтидорларини кўрсатишлари учун имкониятлар зшиги очилди. Фикримизни битта рақам билан далилласак. Қўшма корхона иш бошлаганда бу ерда Жанубий Кореядан 80 нафар мутахассис келиб иш ўргатган бўлса, ҳозир уларнинг сони атиги 8 нафар. Хорижда касб сирларини ўрганган 3 мингга яқин андижонлик йигитлар корейс дўстларимизни ҳам ўз меҳнатлари билан ҳайратга солмоқдалар.

Йўлбошчимиз Андижонга бир гал келган чоғларида фуқаролар билан дилдан суҳбатлашилган вақтда газ таъминоти масаласида гап очилиб қолди. Орадан кўп ўтмай бу ҳақда ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинди. 1998 йилнинг ёзида Марказий Осиёда ягона бўлган Хўжаобод газ омбори ишга туширилди. Америкадаги энг нуфузли банклар иштирокида хорижий технологиялар билан жиҳозланган мазкур газ омбори нафақат Андижон, балки водий аҳли учун истиқлол берган энг катта имкониятлардан бири бўлди.

Президентимиз шу газ омбори фойдаланишга топширилган куни газчилар маданият саройида хорижий журналистлар иштирокида ўтказилган матбуот конференциясида шундай дедилар: "Ўзбекистон раҳбарлари мазкур газ омбори қурилишини Москвага бир эмас, балки 18 бор айтган ва таклифларини берган. Мустабид тузум ҳукмронлари бу таклифларга бирор марта ҳам ижобий жавоб қайтарган эмас. Мен бунга шахсан гувоҳман". Демак, улкан газ омбори ҳам Истиқлол шарофатидир.

Ўн йилда 1,5 минг километр газ тармоғи барпо қилинди. Натижада 307 мингдан зиёд хонадонга табиий газ кириб борди. 330 километрли сув тармоғи тортилди. Хонобод – Андижон ичимлик сув тармоғи туфайли юзлаб қишлоқларга зилол сув етиб борди.

"Антекс" комплексига кирувчи тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар бера бошлади. Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган "МАСК", "Андижон дурдонаси", "Навигул", "Фам" ва яна бир қатор қўшма корхоналар Андижоннинг фахрига айланди.

Вилоятда деҳқончиликнинг янги тамойиллари юзага келди. Эндиликда бутун мамлакатимиз деҳқонларининг ҳавасини келтираётган "Андижон технологияси" шарофати билан ғалла ва пахта етиштиришда салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Ғалла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 32 центнердан 72 центнерга кўтарилди. Беш йилдан буён андижонликлар мамлакат манфаати учун уруғлик ғалла тайёрлаб беришмоқда. Чигитни плёнка остига экишга асосланган технология ҳисобига эртаки ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилди. Мустақиллик байрами арафасида ўнлаб хўжаликлар режаларни бажарганлиги пахтачилик тарихидаги бурилишнинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Шарқ-ғарб оралиғидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий кўприк бўлмиш Буюк ипак йўли Истиқлол шарофати билан яна одамлар оғзида. Бу муҳим халқаро йўлнинг бир қисми Андижондан ўтмоқда. Йўлсозларнинг яратувчилик меҳнатлари билан жаҳон андозаларига жавоб берадиган йўл қуриляпти. Ҳадемай бу қадимий йўл серқатновлиги билан алоҳида ажралиб туриши шубҳасиздир.

Сиз билан бизга насиб этган қисқа муддат – ўн йилдаги буюк ўзгаришлар фақат иқтисодий соҳада содир бўлаётгани йўқ, албатта. Илм-фан, спорт ва маданий жабҳаларда, қадриятларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Пойтахтимиздан сўнг энг йирик теннис корти Андижон шаҳрида қад ростлади. Ўтган вақт ичида бу теннис кортида ўнлаб халқаро турнирлар байроғи хилпиради. "Наврўз" футбол мажмуи бутунлай қайтадан жиҳозланиб, халқаро талаблар даражасига етказилди. Спортнинг бир қатор янги турлари оммалашди. Айниқса, бокс бўйича Андижон мактаби дунё юзини кўрди. Сиднейдаги олимпиадасининг ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳозирда дунёда маълум ва машҳур. Унинг командадош дўстлари ва юртдошлари бўлмиш Ўткир Ҳайдаров, Руслан Чагаев, Сергей Михайлов ҳамда Тўлқин Турғуновларнинг бокс олимидаги ютуқлари ҳар биримизни фахрлантиради.

Андижон тиббиёт институти янги ўқув корпуси, ўнлаб академик лицейлар, коллежлар меъморий кўриниши жиҳатидан ҳам, ўқитишнинг жаҳон андозаларига жавоб бериши билан ҳам ажралиб турадиган меҳнатлари билан жаҳон андозаларига жавоб берадиган йўл қуриляпти. Ҳадемай бу қадимий йўл серқатновлиги билан алоҳида ажралиб туриши шубҳасиздир.

Андижоннинг қайси томонига қадам ранжида қилманг, ёшу қари билан бир пиёла чой устида гурунглашманг, қадриятларимиз осмон қадар қадрланаётганлигига шоҳид бўласиз. Вилоят марказида бошланган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш энг чекка қишлоқларгача етиб борди. Юзлаб гузарлар барпо этилди. Бу дунёда гулларнинг тури нақадар бисёр эканлиги ҳозирда ҳар бир андижонликка беш қўлдек маълум. Бунинг боиси ҳар йили Андижонда гуллар байрами ўтказиш анъана тусига кирди ва вилоятга гўзаллик, нафосат бахш этмоқда.

Яхшиси, имкон топганингизда Андижон томонларга келинг, меҳмонимиз бўласиз. Ариқлардан оқаётган зилол сувлар хаёлингизни банд этади. Соя-салқин боғлар, гулзорлар Сизни ўзига оҳанграбодек тортади. Гузар ва чойхоналардаги суҳбатлар бир умр ёдингизда сақланиб қолади. Сиз ўшанда пиру бадавлат отахонларнинг гурунгларида Истиқлол берган неъматларни кўз олдингизга келтирасиз ва беихтиёр Яратган Эгамга шукроналар айтиб, дуога қўл очасиз: "Илоё Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин!"

Қобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

“ЎЗПАХТАСАНОАТ” УЮШМАСИ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ўзбек пахтасининг шуҳратини барқарор этиш йўлида меҳнат қилаётган азиз пахтакор деҳқонларни, пахта хомашёсини қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхоналари ишчи хизматчиларини, акциядорларимизни, республика енгил саноати ходимларини, янги, маҳаллий, сергунум пахта навларини яратиш устида тинимсиз изланаётган мухтарам олимларимизни, Узбекистоннинг барча фуқароларини

Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи билан қутлаймиз!

Барчангизга бахт-саодат, шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

BIR O'LKAKI TUPROG'IDA OLTIN GULLAYDI

«АСАКА БАНК»
МАШИНАСОЗЛИКНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Мақолага бундай сарлавҳа қўйишимиз бежиз эмас. Бу ўша, Андижондаги, Ўзбекистоннинг, ўзбекнинг салоҳиятини жаҳонга танитган, тан олдирган Асака шаҳрининг номи билан боғлиқ даргоҳ. У бундан беш йил муқаддам, ихтисослашган Давлат акциядорлик тижорат банки сифатида ташкил топди.

Маълумки, машинасозлик саноати давлат иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган. Асакадаги Ўзбекистоннинг илк автомобиль корхонасига хизмат кўрсатиш ниятида тузилган бу банк ҳам ана шу жиҳатдан Ватанимизнинг салоҳиятини намоён этувчи йирик молиявий муассасадир. Бугун Асакадан чиқаётган "Нексия", "Тико", "Дамас" енгил автоуловлари сингари, "Асака-банк"нинг ҳам бир қатор хорижий давлатларда ўз нуфузи, тош-тарозуси бор.

Тошкентнинг марказий даҳаларидан бирида жойлашган банк биносининг ўзиёқ унинг салобатини шундоққина намоён этади. Ҳаттоки, эллик қадам наридаги бинолар, қўшни банклар, муассасалардан ўзига хос кўркамлик билан ажралиб турган бежирим ойнаванд бу даргоҳга мустақилликнинг дастлабки йиллари асос солинган эди. Банкдаги ички тартиб-интизом, мижозларга яратилган юқори хизмат маданияти, осойишталик, иззат-икром ҳавосингизни келтиради. Айни пайтда ғурурингизни қўзғайди. Ёз жазирамаси эмасми, банкка кираверишингизда сизни сув салқинлатгичларнинг шаббодаси қуршайди. Бундай манзара "Асака-банк"нинг деярли ҳар бир бўлимида мавжуд. Банкка мижозларнинг ёғилиб келаётгани сабабларидан бири ҳам, бу ерда хорижий давлатлардаги хизмат кўрсатиш маданиятининг ўзбекона миллий услуби яратилганидир, деб тахмин қилдик.

Мустақилликнинг ўн йиллиги муносабати билан тайёрлаётган ушбу мақоламиз айнан истиқлол неъматларидан бири – "Асака-банк" ҳақида эканлигидан ҳаттоки ғурурланамиз. Чунки, Ватанимиз озодликка эришганида ўша "улуғ оға"лар Асакада шундай йирик корхонани қуришга, чет элдан сармоя келтиришга, Ўзбекистон ўз автомобилсозлик саноатига эга бўлишига, "Асака-банк"дек нуфузли молия муассасасининг ташкил топишига рухсат этармиди, дейсиз. Албатта йўқ. Демак, мустақиллигимиз, унинг неъматлари бебаҳо. Тўғри, ҳозирча иқтисодий тақчилликларга ҳам дуч келаяпмиз. Лекин, ўн йил давомида эришилган ютуқлардан кўз юмолмаймиз-ку.

Бугун-эрта Асакадан бутун мамлакат бўйлаб, кейин эса хорижга яна бир хушхабар тарқалади. Бу ҳам бўлса, сизу биз анчадан бери эшитиб келаётганимиз – янги русумли автомобиллар овозаси. Бу албатта ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг салоҳияти, туганмас имкониятларидан биридир.

Осиё ривожланиш банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ҳам маънавий ва тарихий бойлигимиз салоҳиятимиз туфайли Ўзбекистонга сармоя олиб кирди. "Асака-банк" улар ёрдамида Ўзбекистоннинг тараққиётига хизмат қилувчи бир неча босқичдаги йирик лойиҳаларни амалга оширди. Бугун жаҳондаги 24 та нуфузли банклар билан ўзаро ҳамкорлик давом этяпти. Кейинги икки йилнинг ўзида, ўндан ортиқ истиқболли кредит линиялари очилди.

Бир пайтлар Ўзбекистонда экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар чиқишига ҳеч ким ишонмасди. Бугун бу мезонлар оддий ҳолга айланди. "Асака-банк"нинг бевосита иштирокида бунёд этилган, 4,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа қувватига эга бўлган "Конмит" Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасини олайлик. Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган турли хил қандолат маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. "Висо" Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси қурилишида ҳам банк 4 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ билан иштирок этди. Қўшма корхона жамоаси ишлаб чиқараётган турли хил пойафзалларнинг 35 фоизи экспорт қилинмоқда.

Чехия, Ҳиндистон каби давлатларнинг сармоядорлари билан ишлашда банк жамоаси ўзига хос йўл танлади. Бошқалардан фарқли равишда, мавжуд аниқ ҳисоб-китоблар, истиқболли лойиҳалар, кафолатли таҳлилларга таянган ҳолда тавакkалчилик услуби йўлга қўйилди. "Тавакkал қилганни Худо қўллайди",- деганича бор экан. 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан бундай услубда жалб этилган кредитлар миқдори 50 миллиард сўмдан ошди.

ИСЛОҲОТ

"Корфармсаноат" Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам айнан "Асака-банк"нинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли юзага келди. Корхона бугун ўз маҳсулотларининг 30 фоиздан ошиғини экспорт қилаётганини назарда тутадиган бўлсак, банк жамоаси мамлакатда фармацевтика саноатини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганини фахмлаймиз. Биргина 2000 йилнинг ўзида ушбу тармоқ ривожи учун 2 миллиард сўмдан ошиқ кредит ажратилди.

Банкда яна бир хайрли тажрибага гувоҳ бўлдик. Мамлакатдаги йирик-йирик иншоотлар, қўшма корхоналарни молиявий рағбатлантириш билан бир қаторда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор қаратилаётганлигини айтишди. Тақдим этилаётган бизнес режалардаги имкониятлар даражаси, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турининг рақобатбардошлиги, импорт ўрнини боса олиш имкониятлари тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишда асосий омил бўлмоқда. Ўтган йили ана шундай истиқболли лойиҳаларга қарийб саккиз ярим миллиард сўм кредит ажратилди.

Олтиариқдаги "Санжарбек" кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари Акром Тешабоевнинг севинчи ҳам шундан.

-"Асака-банк"дан иккинчи маротаба кредит олишим,- дейди у. -Ўтган йили 3 миллион сўмдан ошиқ имтиёзли кредит ажратишганди. Худога шукр, ишларимиз юришиб кетди, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Даромад бинойидек. Банк кредити туфайли 24 нафар йигит-қизларга иш ўринлари очиб бердик.

"Асака-банк" билан ҳамкорлик қилаётган Акром Тешабоевдек юзлаб тадбиркорлар кўрсатилаётган юқори хизмат маданиятидан мамнунлигини изҳор этишяпти. Мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий кўмаклашилаётгани боис, "Ўзавтосаноат"нинг банк портфелидаги кредит ҳажми камайиб бормоқда. Ҳозир бу ҳисса қарийб 57 фоизни ташкил этмоқда. Бундай жараёнлар жамоанинг кенг тармоқли хизматни йўлга қўйишига асос бўлмоқда.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш борасида ҳам ўзига хос тажрибалар мавжуд. Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги ҳудудий бошқармаларда самарали натижалар кўзга ташланади. Биргина омонат пулларини банкка қўйиш орқали ойига 100-120 минг сўм фойда кўраётган мижозлар бор. Бўш пул маблағларини қулай шартлар асосида банкка қўйган омонатчилар сони 20 минг нафардан ошди. Кейинги бир йилнинг ўзида улар сафи 4700 нафарга кўпайди.

"Асака-банк" фаолияти бугун тўлиғича мижозлар талабига бўйсундирилди. Бозор муносабатлари даврида бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, бугун банк мижозга муҳтож, мижоз банкка эмас...

Аҳолининг банк хизматига бўлган муносабатлари ўрганиб чиқилиб мижозлар эҳтиёжи туфайли бош офис ва барча ҳудудий бўлимларда валюта ҳисоби очиш, унга нақд валюта маблағлари қабул қилиш каби тезкор хизматлар йўлга қўйилди. Бугун банк ва мижоз ўртасидаги валюта муомаласига йиллик энг юқори фоизлар фақат "Асака-банк"да тўланмоқда. Шу боис ҳам 1200 нафардан зиёд фуқаролар, мамлакатимизда истиқомат қилаётган резидент ва норезидент шахслар ўз валюта ҳисобларини очишди.

Мижозларга хизмат кўрсатишнинг тезкор ва юқори маданиятли услуби таркиб топар экан, бу банк ходимларидан ҳам тажриба, масъулият ва юқори малака талаб этаяпти. Шунга кўра, банк ходимларининг кўпчилиги Европа ва Ғарб давлатларидаги нуфузли молия институтларида тажриба ўрганиб қайтдилар.

Мамлакатимиз фуқаролари, хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар бугун "Асака-банк" жорий этган электрон пластик тўлов карточкаларидан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Ихчам, қулай ва фойдали бўлган бу хизмат тури нафақат Ўзбекистонда балки, чет элларда ҳам мижозларга қўл келаяпти. Яқинда бу карточкалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг шу турдаги хизматига уйғунлаштирилди. Энди, қўлида электрон тўлов карточкаси бўлган мижозга Миллий банкда ҳам, "Асака-банк"да ҳам бирдек хизмат кўрсатилаверади.

Ўз мухбиримиз.

“ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ”

КОМПАНИЯСИ

Ушбу табаррук заминда истиқомат қилаётган барча азизларни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сабзавот экинларининг, меваларнинг янги-янги серҳосил навларини яратиш, қадимдан урф бўлиб келган машҳур навларни тиклаш йўлида меҳнат қилаётган боғбону соҳибкорларни, олимларимизни, қайта ишлаш корхоналаримиз жамоаларини, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижлик ҳамкорларимизни

Мустақиллик куни билан қутлаймиз!

Ватанимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, чет эл технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришдек эзгу мақсадлар йўлида барчага улкан зафарлар тилаймиз!

Айёмингиз муборак, азиз Ватандошлар!

Доктор Мартин ХЕККЕР,
Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси.

КУЧ-ҚУВВАТ ВА ЖУРЪАТ ТИЛАЙМАН

Мустақиллик йилларида алоқаларимиз тобора чуқурлашиб борди. Биз биргаликда жамиятимизнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган терроризм ва гиёҳванд моддаларга қарши кураш сохасида ҳамкорликка эришдик.

Иқлим ўзгаришларидан жамиятимизда қандай хавф-хатар келиб чиқишини кўриб турибмиз. Атроф муҳитга ғамхўрлик қилишимиз лозимлигини англаяпмиз.

Президент Ислом Каримов шу йил апрел ойидаги Германияга қилган ташрифи орқали Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги алоқалар янада ривожланишга эга бўлди. Ундан сўнг Германиянинг Вице-Канцлери ва ташқи ишлар вазири Йошка Фишер Ўзбекистон Республикасига биринчи ташрифини буюрди. У нафақат Президент Каримов ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан учрашди, балки ноҳукумат ташкилотлар вакиллари билан ҳам учрашди. Самарқандда эса Фишер совет ҳукмронлигининг ўн йилликлари давомида онгимиздан чиқиб кетган мамлакатингизнинг буюк тарихи билан танишди. Ана шундай кўплаб ташрифлар фаолияти кучайган алоқаларимизнинг ифодаси бўлди.

Ҳамкорлигимиз иккала мамлакатимизнинг фуқароларига ҳам бевосита тегишли. Кўп сонли талабалар Германияда таълим оляптилар. Ҳар йили Ўзбекистонга сизларнинг тарихингиз ва тарихий ёдгорликлар билан, айниқса Самарқанд ва Бухордаги ёдгорликлар билан танишиш учун кўплаб олмонлар келади.

Биз, Президент Ислом Каримовдан, нафақат ўз мамлакатида, балки бизнинг икки томонлама алоқаларимизда совет давридан қолган ва ҳозиргача баъзи МДҲ мамлакатларида ҳали ҳам мавжуд иллатларни бартараф қилгани учун жуда миннатдормиз.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумати валюта бозорини эркинлаштириш бўйича муҳим тадбирларни кўрди. Қишлоқ хўжалиги сохаси тобора ўсиб боради деган умиддамиз. Умид қиламанки, бизнинг мамлакатимизда меволарни нафақат Чили ва Кениядан, балки Ўзбекистондан ҳам сотиб олиш мумкин бўлади.

Европа Иттифоқининг кенгайиши муносабати билан ҳамкорлигимиз учун мавжуд бўлган имкониятлар янада чуқурлашади деган умиддаман.

Фуқаролар учун фаровонлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда демократия ва ҳуқуқий давлатчиликни кучайтириш мамлакатнинг мустаҳкам мустақиллиги учун мажбурий шартлардир. Келажакда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан янада кенг ҳамкорлик қилиши мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва мамлакатингизнинг хавфсизлиги учун энг зўр кафолат бўлади. Бунда биз ўзимизнинг тажрибамиз асосида сизларга ёрдам бермоқчимиз.

Ўзбек халқини мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан табриклайман. Советлар истибдодининг оғир йилларида ўзбек халқи ўзига хослигини сақлаб қола олди. Мустақил Ўзбекистонга мен тинчлик, ўзбек фуқароларига эса фаровонлик, сиёсий институтларнинг кучайишини ва бошланган ислохотларни давом эттириш учун куч-қувват ва журъат тилайман. Ушбу тилакларим айниқса, мамлакатингизнинг бойлигини ифодаловчи қишлоқ хўжалигига тегишли.



(Боши 2-бетда)



Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди буюк жаҳонгир.
Айтгум, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.
Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У, Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.
Кўз олдимдан кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар,
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор аламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

(Давоми 9-бетда)

ALCATEL

"АЛКАТЕЛ СЕЛ АГ" КОМПАНИЯСИ



Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига 10 йил тўлиши муносабати билан бу табаррук Ватандаги барча азизларни самимий муборакбод этамиз!

Ўзбекистон – Германия давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар янада равнақ топишига тилакдошмиз. Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғини жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш, қайта қуриш, жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш борасида ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз! Барчага тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, шахсий ҳаётларида улкан зафарлар тилаймиз!

"АЛКАТЕЛ СЕЛ АГ" ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ БАЖАРАДИ

- "Алкател 1000 С 12" русумидаги уяли алоқа хизмати ва жиҳозлар
- Овоз ва масофани корпоратив интеграллаш
- Радиорелей ва оптика-толали узатиш тизими
- Ҳаракатланувчи уяли алоқа тизими учун жиҳозлар
- Маъмурий бинолар учун телефон станциялар
- Сунъий йўлдош алоқа тизими
- Абонентнинг ИНТЕРНЕТ тизимига кириш
- GSM 900/1800 ва G3 андозасидаги телефонлар
- Кенг оралиқ йўлакли боғланиш имкониятлари
- Ўқув
- Техник хизмат кўрсатиш
- Алоқа тизимини режалаш ва интеграциялаш
- Кенг қамровли тизим мажмуи
- Алоқа тизими соҳасидаги энг сўнгги ютуқ
- Телекоммуникация тармоғидаги жамики хизмат турлари

Чанг Хун,
Корея Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси

ЯНГИ МУНОСАБАТЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ

Тарихан жуда қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов узоқни кўра олувчи раҳбар сифатида эътироф этилди. Мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказиш ташаббускори бўлди ва ўтиш даврининг беш тамойилини ишлаб чиқди. Унга кўра, мамлакатда иқтисод сиёсатдан устивор қилиб қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатга сармоядорларни жалб этиш, уларни бу ерда ишлаши учун қулай шарт-шароитлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи ҳуқуқий мезонлар яратa билди.

1992 йилда давлатларимиз ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар йўлга қўйилгач, турли соҳаларда, хусусан, иқтисодий ҳамкорликда янги муносабатлар юзага келди. Медицина, фан-таълим тизимларида тажриба алмашишлар бўлиб ўтди. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтига "Brother,s Brother Foundation" фонди адабиётлари тақдим этилди. Айниқса, Корея Республикаси элчихонаси уюштирган "Корея маданияти кунлари"ни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Оролни қутқазиш дастурига кўра, Орол денгизи ҳавзаси ва унга яқин ҳудудлардаги табиий муҳитни яхшилаш сари дастлабки қадамлар қўйилди "Sindong Enercom" ассоциацияси томонидан 3400000 корея вони миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилгани ҳам давлатларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари мавжудлигини кўрсатади.

2000 йилда Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислиги муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш учун Корея Республикаси ҳукумати томонидан 30 минг АҚШ доллари миқдорида донорлик ёрдами кўрсатилди. Бундай кўмаклар бу йил ҳам кўзда тутилган. Хуллас, Корея ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида амалга оширилаётган хайрли ишларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг "ДЭУмоторс" компанияси раиси билан бўлган учрашувда таъкидлаганларидек, Жанубий Корея компаниялари билан ўзаро ҳамкорликлар яхши йўлга қўйилган. "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда муҳим ўрни борлиги бизни ҳам қувонтиради. Бу ерда "Матиз" русумли янги автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "ДЭУ-ЮНИТЕЛ" компанияси эса 2001 йилда уяли алоқа тизимида энг нуфузли ўринни эгаллаш, юқори сифатли алоқа хизматини таъминлаш сари интилмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳат муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва билимимни аямайман.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси ўқувчиларини, меҳмондўст мамлакатнинг барча аҳолисини Мустақиллигининг 10 йиллик тўйи билан қутлар эканман,Ўзбекистоннинг тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида хорижий ҳамкорлар билан бошланган барча хайрли ишларида каттакатта ютуқларга эришишингизни тилайман!

Табаррук юртингиз узра тинчлик доимо барқарор бўлсин!

(Боши 2-, 8- бетларда)

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ - ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай, ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

(Давоми 20-бетда)

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"ПАХТА БАНК"

Ўз акциядорларини, мижозларини,
мамлакатимизнинг барча
фуқароларини, энг улуғ, энг азиз
тўйимизга ташриф буюрган
хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни,
Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган
чет эл элчихоналари, нуфузли
компания ва корпорациялар,
ваколатхоналар ходимларини

Ўзбекистон Мустақилликка эришган
кунининг 10 йиллик тўйи билан қутлайди!

10

Оилаларингизга тинчлик - хотиржамлик,
шахсий ҳаётингизда зафарлар тилаймиз!

Банк Кенгаши ва Бошқаруви

2001
Оналар ва
болалар йили

Табаррук заминга хуш келдинг, фарзанд!

TUS buero

ВАТАНИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ОФИС ЖИҲОЗЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

10 йиллиги

билан самимий муборакбод этамиз!
Хонадонингиздан файз-барака аримасин!
Бахт ва шодлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«ERGO-OFFICE» «CAPRI OFFICE»

туркумидаги жиҳозларимиз хонадонингиз ва ишхонангизга кўркамлик, салобат бағишлаши шубҳасиз!

«REALY» *туркуми-бу фирмамизнинг ўзига хос туҳфаси. Бундай ўриндиқларда ишлаб чарчамайсиз, танангиз яйрайди. Меҳнатингиз унумли бўлади.*

ШАРҚОНА СИФАТ, МИЛЛИЙ УСЛУБ, БЕЖИРИМ ДИЗАЙН!

ИФТИХОР

"TUS buero" Ўзбекистон-Олмония қўшма корхонасига ташриф буюрганимизда офтоб чошгоҳда эди. Атрофи пурвиқор тоғлар билан ўралган бу шаҳарда салқин шаббода эпкини эсарди. Шу боис, то пешингача ёз жазирамасини сезмадик.

Бу ерда тайёрланаётган барча турдаги жиҳозларда юқори сифат, миллий услуб, бежирим дизайн шунчалик сингишиб кетганки, тайёр маҳсулотнинг ҳар бири сизни ўзига ром этади. Маҳсулотлар сифатининг боиси шундаки, жиҳоз ишлаб чиқариш бўйича Овруподаги нуфузли концернлардан бири "SCHAERF AG" корхонаси жамоанинг ҳаммуассиси ҳисобланади. Қўшма корхона Низом жамғармасининг 60 фоизи уларнинг улушига тўғри келади. Ўтган йили 240 минг АҚШ доллари миқдорида қўшимча сармоя киритилганди. Бу йил апрел ойида олмониялик ишбилармонлар Ватанимизда бўлишиб, корхонадаги шароитлар, жиҳозларнинг харидоргирлиги билан танишишди. Қўшимча технология олиб келиш учун яна 80 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди.

Бу маблағларга ишлаб чиқариш жараёни янада мукаммаллаштирилади. Цехларни иситувчи янги, замонавий ускуналар ўрнатилади.

Мустақилликкача бирорта дўконимизда Оврупо сифати даражасидаги бундай жиҳозларни топиб, харид қилиш анқонинг уруғини қидириш билан тенг эди. Гарчанд, ўзимизда ўнлаб мебел корхоналари ишлаб турса-да, Польша, Венгрия, Олмония ҳеч топилавермаса, Украина ва Белоруссия корхоналарида тайёрланган жиҳозларга интиларди.

Бугун, Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида, Ватанимизда "TUS buero" сингари сифатли жиҳозлар ишлаб чиқараётган ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатяпти. Бу истиқлол туфайли ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

-Цехдаги барча иш жараёнлари автоматик бошқарувга мослашган, - дейди немис дастгоҳларида ҳеч бир қийинчиликсиз ишлаётган Абдусамад Абдиев. – Илгари Олмаликдан шундай мебеллар чиқиши хаёлимга ҳам келмаганди. Бугун уларга ўзимнинг меҳнатим сингяпти. Ватанимиз фахри бўлган бундай жиҳозларни ишлаб чиқараётганимиздан қалбимиз доимо ифтихорга тўлиқ.

-Ўнлаб дугоналарим қатори мен ҳам бу ерда ишлаётганимдан қувонаман. Чунки, маҳсулотларимиз доимо харидоргир. Илгари бундай мебелларни ўзимиздан топиш хом хаёл эди. Бугун уларни мамлакатимизнинг исталган ҳудудидаги мижозга, ҳаттоки, қўшни давлатлардаги харидорга ҳам етказиб бериш имкониятимиз мавжуд.

Йиғув цехи ишчиси Инна Завялованинг бу гапларида жон бор. Чунки, қўшма корхона жамоаси янги-янги туркумдаги жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяркан, бу маҳсулотларни яқин қўшни давлатларга экспорт қилиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Импорт ўрнини босувчи бундай кўркам жиҳозлар ҳар бир хонадон соҳибасини, ишхона жамоасини кўнглига ўтириши шубҳасиз.

Ишчиларнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари билан танишамиз. Ҳаммаси рисоладагидек. Йилдан-йилга имконият кенгаймоқда. Ўтган олти ойлик якунларига кўра, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 80000 сўмни ташкил этди. Бу қишлоқ шароитида каттагина сармоя ҳисобланади.

-Иш унуми юқори бўлган ускуналарда зарур жараёнларни назорат қилиш аввалига қийин бўлди, албатта, - дейди шиббалаш дастгоҳларида чаққон ишлаётган А.Перепелкин. – Цехда асосий ишларни автоматика бошқаради. Бироқ, оператор назорати ҳам керак. Айниқса, бундай ускуналарда "брак"ка йўл қўйиш энг катта хато саналади.

Эндиликда "TUS buero" жиҳозлари кўркамлик ва салобат бахш этиб турган хонадон ва ишхоналар нафақат ўзимизда, балки қўшни давлатларда ҳам кўплаб топилади.

"Эколот" қўшма корхонаси, Ўзбекистон ҳаво йўлларига қарашли "Ўзавиатаъминот", Адлия вазирлиги идоралари, "Заминбанк", "Сарбон текст" қўшма корхонаси, Тошкент дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси, вилоят божхона бошқармаси, Соғликни сақлаш вазирлиги музейи каби ўнлаб нуфузли идораларда, ҳамда хорижий фирма ва корпорацияларнинг ваколатхоналарида "TUS buero" жиҳозлари алоҳида кўркамлик бахш этиб турибди.

Шу куни "TUS buero" қўшма корхонаси жамоаси муҳим бир буюртмани ниҳоясига етказаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси биносида энди "TUS buero"нинг шинам ва кўркам жиҳозлари ўзгача салобат бахш этади.

ЖАҲОН ИЧРА БУЮК ЮРТНИ УЛУҒ ДОСТОН ЭТАЙЛИК БИЗ, ЗАМОН КЕЛДИ ВАТАН БАҒРИН ГЎЗАЛ БЎСТОН ЭТАЙЛИК БИЗ.

Наманган вилояти меҳнаткашлари барча юртдошларимизни халқимизнинг асрий орзулари ушалган кун – Мустақиллик байрами, шу шодиёнанинг ўн йиллиги билан чин юракдан муборакбод этадилар!

Ҳаммамиз учун ғоят муқаддас ва азиз бўлган Истиқлол тўйи билан табриклар эканмиз, ватандошларимизнинг ҳар бирига бахт-саодат, омад, шод-хуррамлик, хонадонларига тинчлик-тотувлик тилаймиз!

Халқимизнинг тўйга тўёна билан боришдек азалий удумига доимо амал қилаётган биз – наманганликлар Истиқлолнинг ўн йиллигига ҳам муносиб туҳфалар билан келганлигимизни изҳор этамиз.

Наманган вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат қилаётган кишилар, хусусан, Агросаноат мажмуини ривожлантириш учун астойдил интилаётган пахтакорлар, ғаллакорлар, соҳибкорлар, чорвадорлар, мутахассислар Мустақиллик байрамини кўзга кўринарли муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Эришилган ютуқлар ғоят кўплиги туфайли уларни бирма-бир санаб ўтишнинг имконияти йўқ. Қатрада қуёш, томчида уммон акс этганидек, қуйида келтириладиган айрим мисолларнинг ўзи ҳам Наманган вилояти Истиқлол йилларида тараққий этганидан далолат беради:

Шу даврда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда қарийб 80 та қўшма корхона ташкил этилди. "Силк реал", "Попфен", "Косонсой Текмен", "Мавред Джус Ко", "Роҳат", "Нестле", "Шамс ЛТД", "Аснамтекстиль", "Мармар-Ф" ва бошқа корхоналар вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги уч йилнинг ўзида 3,8 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 7,4 минг гектар суғориладиган майдонлар қайта тикланди, 7,6 минг гектар экинзорнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Истиқлол йилларида юз мингдан зиёд деҳқон ва уч мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди. Деҳқончилик маҳсулотларининг 40-70 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилмоқда.

Қишлоқларда янгитдан қурилиб, замонавий ускуналар билан тўла жиҳозланган 57 та, мослаштириш ҳисобига 27 та тиббиёт масканлари ишга туширилди. Вилоят оналар ва болалар скрининг маркази барпо этилди, эндокринология маркази эса қайта тикланди.

Кейинги қисқа даврнинг ўзида вилоятда 25 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. Уларда ёшларнинг замонавий талаблар асосида билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

37 километр узунликдаги Учқўрғон-Наманган сув узатиш тармоғи ҳамда "Қизил Равот" тозалаш иншооти қуриб битказилганлиги туфайли Наманган шаҳри, бир қатор туманлар аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши яхшиланди. Жами 1550 километр узунликда ичимлик сув, 4430 километр табиий газ тармоқлари тортилди.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АСРЛАР ОША МАНГУ БАРҲАЁТ БЎЛСИН!

ИСТИҚЛОЛ ОДАМЛАРИ

ЎНГА КИРДИМ, БОЛАМ, ЎНГА...

Байрам арафаси эди. Абдували ака билан даласини айланиб юрдик. Кўз тегмасин, пахта дегани тиралиб қолибди бу далада. Чаман-чаман. Ғўзалар шоҳини кўтаролмай ётибди.

-Э, зўр-ку!- деб юбордим беихтиёр.

-Меҳнатимизга яраша!- дейди қаҳрамоним мўйлабини бураб.

Бошқа одам бўлганда "ҳа энди, унчалик эмас", деб ошиқча камтарлик қилиб, эзмаланиши ҳам мумкин эди. Лекин, бизнинг Абдували ака ундайлардан эмас. Гап деганни "бўямай-бежамай" дангалини гапиришни хуш кўради. Баъзилардек "Пайпасланиш", турланиб, тусланиш унга ёт. Бошқаларни билмадим, лекин камина ҳар гал бу ажойиб деҳқонни кўрганимда "Гирдоб" романидаги Маҳамат чатоқ кўз олдимга келаверади. Бир сўзли, мард, танти ва ҳийлагина чапани табиатли одам бу Абдували ака деганлари.

Мана ҳозир ҳам кўзимга ўқдек тикилиб, "тепадан" туриб сўраб қолади:

-Бугун августнинг нечанчиси?

-Йигирма тўртинчиси,- дейман ҳеч нарсага тушунмай.

-Тамом!- дейди Абдували ака, -эртага ёппасига теримга тушамиз! 41 центнердан шартномамиз бор. Беш иш кунида бажарамиз! Байрамга рапорт берамиз!

-Ҳали очилмаган кўсаклар ҳам бор экан...

-Булар иккинчи теримга. 65 центнердан пахта берамиз деганмиз. Сентябр ичи уддасидан чиқамиз. Октябрда келсангиз бу ерда кўм-кўк бугдойзорни кўрасиз.

"Бу одам бургутга ўхшайди. Бургутдек мўлжални аниқ олади", деган ўй ўтади хаёлимдан. Кейин мухбирлигим тутиб ҳамроҳимга савол устига савол бераман.

-Ҳосилнинг бу қадар мўл-кўл бўлишининг асосий "сири" нимада, Абдували ака? Умуман, Мустақиллик, сизнинг назарингизда қишлоқ кишисига, деҳқонга нима берди?

Абдували ака мўйлабини хемариб мийигида жилмайиб қўяди. Менинг одатий саволим унинг кулгисини қўзғатганини сезаман. Ўз навбатида қаҳрамоним ҳам кўнглимдан ўтаётганларни илғаб олади. Мени ҳижолатдан чиқариш учун:

-Саволингиз ўринли,- дейди. Кейин гапнинг "омади"ни айтади-қўяди, -Деҳқонда "сир" нима қилсин, укажон. Бу меҳнат, пешона тери! Бошқа ҳеч нарса эмас! Энди мана сиз Мустақиллик нима берди, деяпсиз. Мен айтаман. Деҳқонга эмин-эркинлик берди. Қадр-қимматини қайтариб берди. Энди ўзингиз айтинг, агар мустақиллик бўлмаганда мендек бир тўпори деҳқон Ўзбекистон Қаҳрамони бўлиб, кариллаб юрармидим?

Абдували аканинг ўзи каби жўн, соддагина бу сўзидан ўзгача ҳикмат туяман.

Бирдан қаҳрамоним қиқирлаб кула бошлайди. Елкаларини силкитиб-силкитиб кулади.

-Тинчликми, бой бува?- дейман ҳеч нарсага тушунолмай.

-Қайси куни невараларимдан бири Шерзод сизга ўхшаб қўққисдан "бува-жон, нечага кирдингиз?" деб сўраб қолса бўладими. Худди биров ўргатиб қўйгандек. Йўғса, боғчага борадиган бола-я. Унга кирдим, болам, ўнга, дедим. Неварам юзимга аграйиб қараб қолганини кўриб, хаёлимга лоп этиб афанди ҳақидаги ривоят келди. Биласиз, Афандининг қабрига "минг биринчи йилда туғилиб, минг иккинчи йилда рихлат қилган", деб ёзиб қўйилган экан. Шунда бир одам "наҳот Афанди ҳазратлари бир йилгина яшаган бўлсалар?", деб ажабланса, ёнидаги донишмандроғи "бу ерда Афанди умрининг энг мазмунли дақиқалари ҳисобга олинган", деб жавоб берган экан...

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳазил-ҳазил билан-у, менинг ўнга кирганим рост. Қизил гапиряпти, демасангиз айтай. Мустақилликдан буён ўн ўтган шу ўн йил қаддимни ростлаган, меҳнатим қадр топган йиллар бўлди. Бутун умрим ҳам бир бўлди-ю, шу сўнгги ўн йил ҳам бир бўлди. Энди билсам, неварамнинг саволига берган жавобимни кўнглимга фаришталар солганга ўхшайди. Менинг ўнга кирганим рост!

... Чортоқ туманидаги "Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги" ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимов мени Наманган йўлигача кузатиб чиқди. Бир-биримизга яхши тилаклар билдириб хайрлашдик.

Дарвоқе, сиз ушбу сатрларни ўқиётган маҳал "ўн ёшли ўнбоши" йиллик режасини бажариб энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлади.

-Табриклаймиз, Абдували ака!

Ортиқали НОМОЗОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Поп тумани меҳнат аҳли, "Поп пахта толаси" ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз меҳнаткашларини

энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан самимий муборакбод этадилар.

Биз – попликлар катта тўй йилида туманимизнинг олдинги шуҳратини тиклашга, республикамиздаги обод, гўзал ва илғор туманлардан бирига айлантиришга азму қарор қилганмиз. Дастлабки натижаларимиз қувончли бўлди. Давлатга пилла ва ғалла сотиш шартномавий режаларини бажардик. Пахта тайёрлаш йиллик режасини ҳам қисқа муддатларда адо этишга бел боғлаганмиз.

Республикамиз меҳнаткашларига тинчлик-хотиржамлик, Ватан равнақи йўлида амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз!

“ЎЗБЕКИСТОН АЛБАТТА БУЮК ДАВЛАТГА АЙЛАНАДИ”,

- дейди, “Кабул Текстайлез Ко ЛТД”нинг МДҲдаги ваколатхонаси раҳбари, “Кабул - Ўзбек” қўшма корхонаси президенти Чой Джу Хенг

-Ўзбекистонга келганимга бир йилдан ошди,- дейди жаноб Чой Джу Хенг биз билан суҳбатда. –Ватанингизда беқиёс имкониятлар мавжудлигига амин бўлдим. Сизлардаги табиий бойликларнинг чеки йўқ. Хизмат сафари билан вилоятларда айниқса, Фарғона водийсида бўлганимда ўлкангизнинг бетакрор манзараларига шунчалик сеҳрланиб қолганманки, ... Шундай пайтда, ўз-ўзимга икрор бўлиб дейман: “Ўзбекистон албатта буюк давлатга айланади!”

Эътибор қилинг, Кореяда Ўзбекистондаги имкониятларнинг бир қисми бор, холос. Юртингиз тупроғи ҳақиқатдан ҳам саховатли!

Мева-сабзавотларни, шарбатга тўла боғларни, қўйиб турайлик. Биргина пахта хомашёсини олайлик. Унга жаҳон бозорида талаб ортиб бораяпти. Биз Ўзбекистондаги биринчи корхонамизни 1997 йили Тўйтепада очган эдик. 2000 йилда Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида ана шундай корхонани ишга туширдик. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Фарғонада учинчи корхонамиз маҳсулот бера бошлайди. Буларнинг барчаси Ўзбек пахтасининг сифати юқори эканлигига далолат.

Корхоналаримиздаги имкониятларни кўриб, мустақиллик Ватанингизга беқиёс имтиёзлар берганига икрор бўламан. Чунки, эски тузум шароитида Ўзбекистонга технология ва сармоя киритишимизга мутлақо имконият йўқ эди. Қолаверса, Кабул билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликлар юртингизни жаҳонга қайта танитмоқда. Корхоналаримизнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга юксалмоқда. Бир йилда 140 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиш имкониятига эга бўлаяпмиз. Асосий харидорларимиз Франция, Бельгия, Германия, Италия, Корея, Польша, Португалия, Испания, Шри-Ланка, Буюк Британия каби давлатлар.

Сиз билан мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Аминманки, озодликнинг 20 йиллигини Ўзбекистон жаҳондаги тараққий этган давлатлар даражасига эришган шароитда кутиб олади.

Ўзбек халқида қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Бизнинг бугунги ҳамкорлигимиз натижалари ана шу ҳикматомуз ўгитга уйғунлашиб кетгандай. Биз Ўзбекистонга иш унуми юқори бўлган илғор технологиялар олиб кирдик, сармоя келтирдик. Сахий заминингизда етиштирилган пахта хом ашёси эса қайта ишлаш жараёнида биз кутгандан ҳам зиёда натижалар бераяпти.

Уччала корхонамиз тўлиқ қувват билан ишлаганда 1 миллион калавага эга бўламиз. Бу жуда катта қувват дегани. Менимча, бундай ишлаб чиқариш қуввати билан қайта ишланган пахта хом ашёсидан мамлакатингизга мўмай даромад келади.

Ўзбекистонлик йигит-қизларни ўқитиб, уларга касб-ҳунар ўргатдик. Кореяда бўлишиб, тажриба орттириб қайтишди. Юзлаб маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

Тўғри, ҳозир мамлакатингизда айрим иқтисодий тақчилликлар мавжуд. Булар ўткинчи ҳолатлар. Корея халқи ҳам бугунги тараққиётга эришгунча озмунча қийинчиликларни бошидан кечирмади дейсиз. Қолаверса Корея Ўзбекистонга нисбатан кичик бир давлат. Ана шу жиҳатдан олиб қараганимизда ҳам Ўзбекистон - чексиз имкониятлар мамлакати.

Корея ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликларнинг янгиянги қирралари очилишига аминман. “Қишлоқ ҳаёти” газетаси ўқувчиларига эзгу тилакларимни билдираман. Пахтакору соҳибкорлар, деҳқонлар хирмонига барака тилайман.

Республикамизда бозор иқтисодига ўтиш шароитида банк тизимининг тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркин-лаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўна-лишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар янада ривожланди.

Мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг ажралмас хусусиятлари, иқтисодиётнинг муҳим соҳалари каби банклар фаолиятига ҳам залворли вазифаларни юклади.

Давлат-тижорат Халқ банки фаолиятига назар ташласак, 1995 йил октябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзжамғармабанкни Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантириш тўғрисида”ги қарори тизим фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қарор нафақат банкнинг номини, балки мазмун ва моҳиятини, унинг мақсад ва вазифаларини ҳам белгилаб берди. Ўз навбатида ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш билан Халқ банкининг қўшимча 2,5 мингдан ортиқ шахобчалари очилиб, республика тижорат банклари ичида 206та туман ва шаҳар, 5000 дан зиёд шахобча ва мини-банклардан иборат энг катта тармоққа эга бўлган салоҳиятли молия тизимига айланганди. Банк устав сармояси 10 миллиард сўмга етказилишининг белгиланганлиги унинг истиқболли ривожланишига замин яратди.

Бугунги кунда банк универсаллашув ва тижоратлашув сари дадил қадам қўйиб, жисмоний шахслар билан бир қаторда, юридик шахсларга ҳам кўрсатилаётган хизматлар савиясини тубдан яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш эвазига хизмат кўрсатилаётган тармоқлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозиргача банк капитали қарийб 50 баробардан зиёда, активлари ҳажми 12 баробардан ортиққа кўпайди.

Истиқлол йилларида уй-жой қурилишини ривожлантириш соҳасига ҳам Халқ банки ўзининг муносиб улушини қўшиб келди. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун 60 минг нафардан ортиқ фуқарога 1,2 млрд. сўмдан зиёд узоқ муддатли кредитлар берилган бўлса, ушбу кредитларнинг қарийб 15,9 фоизини нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига берилган имтиёзли кредитлар ташкил этади.

Ўз навбатида Халқ банки республикамизда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг бажарилишига ҳиссасини қўшиш мақсадида мамлакатимиз олий ўқув юртлари, коллежлар ва бошқа ўқув даргоҳларида контракт асосида таълим олаётган талабалар, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Абитуриент” кредитлари жорий қилинди. Мазкур кредит тури жорий қилинган кундан бошлаб ҳозиргача 250 нафар талабага 40 млн. сўмдан зиёд миқдорда қисқа муддатли кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда банкимиз аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва ушбу омонатларнинг ҳажми бўйича республикамизда етакчи ўринда туради. Айни вақтда омонатчиларимиз сони 7,3 млн.дан ортиқ кишини ташкил этади.

Бу ўринда Халқ банки омонатчиси бўлмаган ёки банк хизматидан бирор марта ҳам фойдаланмаган оила йўқдир, десак муболаға бўлмайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларининг амалга оширилишига кучли эътибор қаратилиши лозимлиги Президентимиз томонидан бир неча бор кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги “Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида”ги фармони талаблари банкимизда тўла амалга оширилди. 1996 йил 1 июлига қадар Халқ банки бўлимларида маблағлари бўлган беш миллионга яқин омонатчининг 3 миллионга яқинига индексация маҳсус дафтарчалари очилди ва индексация қилинган омонатларнинг қолдиғи 34,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу маблағлар қайта тикланиши билан бирга банкнинг “талаб қилиб олгунча” омонат фоиз ставкаси бўйича даромадлар ҳам бериб борилмоқда. Маблағларни бериш 1996 йилнинг 1 июлидан 2005 йилга қадар босқичма-босқич тўлиқ тарқатилиши кўзда тутилганлигини инобатга олган ҳолда, ҳозирги кунга қадар “Индексация” махсус ҳисобларидан аҳолига жами 36,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тўлаб берилди.

Булардан ташқари “Болалар” нафақалари ҳамда қарамоғида 2 ёшгача болали оналарга белгиланган нафақаларнинг банкимиз муассасалари орқали берилиши давлат томонидан ижтимоий муҳофазани таъминлашнинг исботи деб айтиш мумкин. 2001 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида кам таъминланган оилаларга 1,5 млрд. сўм, 16,9 млрд. сўм миқдоридаги “Болалар” нафақалари ва 13,2 млрд. сўмлик 2 ёшгача болали оналарга белгиланган, жами 31,6 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги маблағлар банкимиз муассасалари орқали тарқатилди.

Банкимизда амалга оширилаётган бу ўзгаришларнинг, эришилаётган муваффақиятларнинг асосий мезони 12 минг кишилик банкимиз жамоасининг якдиллик билан иш олиб бориши, уларнинг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати ва уни ардоқлаши, бир-бирини тушуниши ва қўллаб-қувватлаши ҳамда ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари оғишмай бораётганлигимизда, назаримда. Биздан кейин обод ва озод Ватан қолиши, мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун камтарона ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Истиқлолимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлашга келсак, биринчи навбатда, биз шундай гўзал диёрда яшаётганимизга шукроналар айтиб, ўтаётган ҳар бир осойишта кунимизнинг қадрига етишимиз лозим. Буни, ўз навбатида, ёшларимизнинг онгига ҳам сингдириб, уларнинг мурғак қалбида мустақиллик ғояларига, она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, садоқат туйғуларини алангалатайлик. Мамлакатимиз озодлиги, мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасини улуғлаш, миллий анъана ва урф-одатларимизга бўлган ҳурмат ҳисларини кучайтириб бориш ҳам вазифамиздир. Биз ўз олдимизга улкан мақсад ва вазифалар қўйган эканмиз, келажаги буюк давлат сари одимлар эканмиз, мана шу машаққатли йўлда, аввалambor, ўз билим ва маҳоратимизга, улғайиб келаётган бир-биридан доно, зукко ёшларимизга, ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келаётган сабру қаноат, бардош, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат каби мақтанса арзигулик фазилатларимизга, бир сўз билан айтганда, меҳридарё халқимизга таяниб иш кўрмоқни фарз деб биламиз.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан кўп минг сонли Халқ банки жамоаси номидан бунёдкор халқимизни азиз ва қутлуғ байрам билан чин юракдан муборакбод этамиз!

Жамшид САЙФИДДИНОВ,
республика давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви раиси,
Олий Мажлис депутати.

"ҒАЛЛАБАНК"

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Аллоҳнинг назари тушган табаррук
Ватандаги барча азизларни
Мустақилликнинг **10** йиллик
тўйи билан муборакбод этамиз!

**Ўзбекона дунё, багрикенглик,
мардлик ва тантилик
доимо Сизу бизни тарк этмасин!**

Шу азиз Ватанни севиб ардоқлаш, уни гуллаб-яшнатиш,
буюк Давлатга айлантириш ҳар биримизнинг қалбимиздаги беғубор муҳаббатимиз,
орзу-умидимиздир. Бу юксак ғоялар йўлида барчага улкан зафарлар тилаймиз.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

ЗАРГАР ЭЛНИНГ ЙЎЛИ ЁРУҒ, МУНАВВАР, ТОПГАНИ ЗАР, ТУТГАНИ ЗАР, ҚЎЛИ ЗАР!

"Ўзбек ипаги" уюшмаси, унинг таркибидаги "Пилла-холдинг", "Шойи" компаниялари, "Ипак- импекс" фирмаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги "Пилла" бирлашмалари, икки юз ўттиздан зиёд корхона, хўжалик, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, акциядорлари барча юртдошларимизни

ЭНГ УЛУҒ ВА СУЮКЛИ БАЙРАМИМИЗ –
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ БИЛАН
чин дилдан муборакбод этадилар

Етти рангли камалакдек ял-ял товланувчи хонатлас, турфа хил шойи газламалар, бошқа ипак маҳсулотлари қадим-қадимдан бутун дунёда довруғ таратган. Буюк Ипак йўлидан ўтган карвонлар неча-неча асрлар давомида бундай шойи газмолларни жаҳоннинг турли мамлакатларига олиб кетишган. Истиқлол шарофати билан халқимизнинг ипакчиликдаги асрий шон-шуҳрати, анъаналари қайта тикланмоқда.

Мустақиллик йўлида шаҳдам одим ташлаётган барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

Юртимиз узра Истиқлол қуёши абадий порлаб турсин!

Мустақиллик замондошлар тақдирида

ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК АСРАЙДИ

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг анкета саволларига Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали ҚЎЗИЕВ жавоб беради

1. Мустақилликнинг 10 йиллиги Сиз раҳбарлик қилаётган жамоага нималар берди, идорангизнинг истиқлолнинг дастлабки йилидаги ҳолатига нисбатан бугунги кундаги фаолиятидаги туб ўзгаришлар нималарда деб ўйлайсиз?

- Айтиш мумкинки, Мустақилликнинг эълон қилинишидан республикамизнинг ижодкор аҳли, жумладан, Бадиий Академиянинг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, тасвирий санъат аҳли ижод эркинлигига эришдилар. Миллий қадриятларимиз тикланди. Бу ахир, ўтиб кетган қанча-қанча санъаткорларимизнинг армонлари эмасмиди? Ватанимиз Мустақилликка эришгач, Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўзбек рассоми орзу қилган, халқаро андозаларга мос келадиган ўқув тизимига эга бўлган Бадиий Академия тузилди, ҳар бир вилоятда тасвирий ва амалий санъат лицейлари очилди, бобокалонимиз Камолиддин Беҳзод номи билан аталадиган давлат мукофоти таъсис этилди. Ижодкорларга ижарага бериб қўйилган устахоналар шахсий мулк сифатида ҳадя этилди. Ҳамдўстлик Давлатлари ҳамда минтақадаги энг катта кўргазмалар зали, қарийб 20 йилдан бери ёпиқ ётган бошқа кўргазма заллари таъмирдан чиқарилиб, рассомларимиз ижодини намойиш эта бошлади. Тасвирий санъат аҳли бевосита халқаро кўргазмаларда иштирок эта бошлашди. Хорижга бориб, ижодий фаолият кўрсатишяпти, талабаларимиз у ерларда ҳам таҳсил олишяпти. Бугунги кундаги туб ўзгаришлар, энг аввало, Юртбошимизнинг фармонлари, қабул қилинаётган адолатли қонунлар самараси, қолаверса, ижодкор халқимизнинг фидойилигида, унинг эзгу интилишларида деб биламан.

2. Мустақилликка Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа нима бера олди, қандай ишлар, ютуқлар билан фахрлана олади?

- Бадиий Академия тизимидаги ўқув муассасалари Ватанимиз, халқимиз учун етук кадрлар тайёрлаб бермоқда. Рассомларимиз турли хил жанрларда баракали ижод қилишиб, етук санъат асарлари яратишди. Уларнинг ижод намуналарини шаҳарсозлик ишларида турли кошоналарда, бинолар, юртимиз ва хориждаги кўплаб нуфузли кўргазма залларида кўриш мумкин. Санъат аҳли Ватанимиз улуғворлигини, табиатимизнинг гўзаллигини, халқимизнинг ижодкор фаолиятини, замондош сиймосини куйлашни ҳамиша ўзларининг бош мавзулари деб билишмоқда, шунга муносиб асарлар яратишмоқда.

3. Бу ўзгаришларнинг асосий илдизи нимада деб ўйлайсиз?

- Бу саволга қисқача жавоб бериладиган бўлса, шундай дейиш мумкин: мамлакатимизда демократик тамойилларга жиддий эътибор берилиши, давлатимизнинг бош ислоҳотчи эканлигидир.

4. Биздан кейин обод ва озод Ватан қолиши, мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

- Соғлом авлодни етиштириш, "бешикдан то қабргача илм изла" деган ақидага амал қилиш, кучли эътиқод ва юртига, халққа фидойи шахсларни қўллаб-қувватлаш лозим ва шундай қилинмоқда.

5. Бу борада кимга ва нимага таяниб иш кўрмоқни лозим деб ҳисоблайсиз?

- Халқаро тажрибаларни ўрганиб, энг муҳими, бизга мос жиҳатларини ўзлаштириш, халқимизнинг салоҳиятига, заковатига суяниб иш юритиш деб ўйлайман.

6. Халқимизга тилакларингиз.

- Аждодларимиз буюк санъат намуналарини яратишган. Халқимиз ҳам ана шу йўлдан бориб, жаҳон маданияти хазинасига ўзининг улкан ҳиссасини қўшишига тилакдошман. Бу машаққатли, аммо, эзгу йўлда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига соғлиқ, сабр-тоқат, ижодкорлик руҳи ёр бўлсин.

"UT – BANK"

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ БАНКИ ЖАМОАСИ

UZBEKISTAN TURKISH BANK

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан барчани самимий қутлайди!

Тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида ўзбекистонлик ва хорижий ишбилармонларга имконият қадар нафимиз тегаётганидан мамнунмиз. Мустақиллик туфайли эришилган жамики эзгу ишларингиз, самимий ниятларингизнинг саодатли келажаги доимо хайрли бўлсин! Тарихий қардошлигимиз асрлар бўйи давом этаверсин!

Истиқлол - Ўзбекистоннинг, ўзбек элининг азалий орзуси эди. Бугун у 10 ёшга тўлди. Камолат сари қадам қўймоқда.

Бу – Мустақил Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий этган давлатлар даражасига эришишига далолатдир. Биз бу йўлда барчага улкан зафарлар тилаймиз! Хонадонингиздан файзу барака, чеҳрангиздан табассум аримасин!

Ўзаро самимий муҳаббат йўлдошингиз бўлсин!

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

ВАТАН МЕНИНГ ЮРАГИМДА ЯШАЙДИ

Ўзбекистоннинг 1-рақамли теннисчиси Ирода Тўлаганова билан суҳбат

Бизнинг Ирода билан суҳбатимиз унинг Америка сафарига жўнаб кетиши олдидан пойтахтимиздаги ўзи каби оддийгина хонадонида, отаси Ботир ака, онажониси Анна Венияминовна, синглиси Наргиза ҳамда бувиси Раиса Семёновналар даврасида кечди.

-Ватан ҳақида, умуман, қандай ҳислар кечади қалбингизда?

-Биласизми, мен ўз она диёрим Ўзбекистонни қанчалар севишимни, соғинишимни 1999 йилги Уимблдон турниридаги ғалабамдан сўнг янада кўпроқ ҳис қилганман. Негаки, ўшанда Президентимиз Ислом Каримов менга табрик хати йўллаб, "қизим Иродахон" дея мурожаат қилган эдилар. Ўшанда мен нафақат ўзим учун, балки Ватан учун ҳам ўйнаётганимни тушуниб етдим. Ахир, президентимиз спортни ривожлантириш, уни дунёга танитиш йўлида озмунча ҳаракат қиляптиларми. Шундай экан, биз спортчиларнинг ютуқларимиз у кишининг меҳнатларига муносиб жавоб вазифасини ўташ учун хизмат қилса, ажаб эмас.

-Ўз "техникангиз"га сир бўлмаса, озгина таъриф бериб ўта оласизми?

-Менинг одатим ғалати. Агар биринчи бўлиб рақибимнинг тўпини қабул қила бошлаган сам, аниқ биламанки, ютқазаман. Шунинг учун доимо ўйинни ўзим бошлашим, ҳужумга ўтишим, яна ақл билан ўйнашим шарт. Қаерда ўйин суръатини ошириш, пайт пойлай билиш, мағлубиятларни сабрлилик билан ўзимдан ўтказишни эса энди-энди тушуниб етаяпман.

-Вена ва Бельгиядаги ғалабангиздан сўнг Тошкент тайёрагоҳига келиб тушганингизда нималар ҳақида ўйлаган эдингиз?

-Жуда ҳаяжонландим. Айниқса, телевидение, радио, фотомухбирлар, ўзим таниган-танимаган инсонларни кўрганимда ғалати бўлиб кетдим. Аммо бу ҳаяжонларим барибир ёқимли эди.

-Сиз анча юксакка парвоз қилдингиз...

-Йўқ. Мен ҳали қанча баландликка парвоз қилганимни ўзим ҳам тўлиқ ҳис қилиб улгурганимча йўқ. Бироқ, бир нарсани яхши биламанки, мен янада олдинга, фақат олдинга интилишим керак.

-Яхши ниятлар доимо сизга йўлдош бўлсин!

Биринчи рақамли теннисчимиз И.Тўлаганованинг Америка таассуротлари ҳақидаги тўлиқ тафсилотлар билан сизларни газетамизнинг келгуси сонларида таништириб ўтамиз.

Сергей ДАНИЛОВ суҳбатлашди.
Р.ГАЛИЕВ суратлари.

Ўзбек Давлат Цирки

Ўзбек Давлат Цирки жамоаси октябр ойида Хитойда ўтказилиши кутилаётган, қарийб 120 та мамлакатларнинг цирк санъати усталари иштирок этадиган Бутун дунё Цирк фестивалига, кейинроқ эса Австралия бўйлаб сафарларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

18 нафар ўзбек цирки усталари айни кунларда Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида бўлиб ўтаётган фестивалларда қатнашиб, Ўзбек цирки довруғини дунёга қайта танитаяпти.

Жамоамиз эришаётган бу ютуқлар бевосита мустақиллик шарофатидир.

Биз табаррук Ватанимизнинг барча фуқароларини энг улуғ, энг азиз тўйимиз билан қутлаймиз.

"ТАДБИРКОР"

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

BANK

Кенгаши ва Бошқаруви ўз акциядорлари ва мижозларини, мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги билан қутлайди!

Шодлик ва севинч, самимийлик ҳеч қачон Сизларни тарк этмасин!

"Тадбиркор" акциядорлик-тижорат банки жамоаси Сизларга байрамолди совғаси сифатида қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

- Олти ой муддатга бўлган "Тадбиркор" муддатли омонат тури (йиллик 35 фоиз)
- Бир йил муддатга бўлган "Севинч" муддатли омонат тури (йиллик 40 фоиз)
- Уч йил муддатга бўлган "Соғлом авлод" омонат тури (йиллик 60 фоиз)
- "Болажон" муддатли-мақсадли омонат тури уч йил муддатга, (йиллик 24 фоиз)
- "Хирмон", бир йил муддатга (йиллик 35 фоиз).

"Тадбиркор" ва "Севинч" мақсадли-муддатли омонатлар бўйича йиллик фоиз тўловлари омонатчиларнинг хоҳишига кўра, омонатга маблағ қўйган куниёқ ёки уларнинг биринчи талабига кўра тўлаб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 52-уй.
Маълумот учун телефонлар:
136-00-24 136-28-29 133-18-75

(Боши 2-, 8-, 9-бетларда)

Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди будда, ўтди зардушти.
Ҳар учраган нокасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз ғазабга тўлиб
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Толеингда бор экан яшаш,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Этмоқ бўлиб, юртим хомталаш,
Бош устингга келди инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг,
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг.
Қонга тўлди кафаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Лекин офтоб поймол ўлмас,
Кавакларда қолмас ой нури.
Одил ҳакам - ҳақ бор, бегараз,
Мазлумларнинг ёлғиз ғамхўри.
Қилич серпаб толе тонгида
Ўзлигингни таниб қолдинг сен.
Ўғлонларинг қатра қонида
Ўзбекистон номин олдинг сен.
Номи қутлуғ гулшаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Тинч турармн бу кўҳна олам,
Тинч турармн доғули замон.
Оромингни бузди сенинг ҳам
Фашист деган ваҳший оломон.
Қоним оқди Данцигда маним,
Собир Раҳим йиқилган чоғда.
Лекин, юртим, кезолмас ғаним
Ўзбекистон аталган боғда.
Сен-ку номус ва шаъним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.
- Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: - Пахтам қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Сен кетарсан балки йироққа,
Фарғонада балки, балқарсан.
Балки чиқиб оқарган тоққа,
Чўпон бўлиб гулхан ёқарсан.
Балки устоз Ойбекдек тўлиб
Ёзажаксан янги бир достон.
Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб,
Сахроларда очажаксан кон.
Тупроғи зар, маъданим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Майли, юртим, кезсанг ҳам дунё,
Фазоларга қўйсанг ҳам қадам,
Ўзлигингни унутма асло,
Унутма ҳеч, онажон ўлкам.
Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон
Кечмишингни қилдим томоша.
Иқболингни кўролдим аён,
Истиқлолнинг уфқлари оша.
Иқболи ҳур, шўх-шаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, ғолиб бўл, ўктам,
Дўсту ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида
Боқий тургай кошонанг сенинг.
Улуғ башар оиласида
Мангу ёруғ пешонанг сенинг.
Мангу ёруғ масканим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Ватан тараққиёти ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш учун яратувчилик ишлари билан ўз салоҳиятини намоён этиш йўлида меҳнат қилаётган ёш ва навқирон Навоий вилояти аҳолиси янги-янги ютуқлар сари интилмоқда.

Вилоят забардаст саноати билан савлат тўкиб туради. Кўпмиллатли саноатчилар бугун озод Ўзбекистон учун меҳнат қилмоқда. Ҳуррият уларнинг меҳнат маҳсули шу замин аҳли учун эканлигини таъминлади.

Бугунги кунда навоийлик саноатчилар мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган қимматбаҳо ва рангли металларнинг 75 фоизини, цементнинг 42 фоизини, минерал ўғитларнинг 35 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳар йили саноат корхоналари 400 минг тоннадан ортиқ синтетик аммиак, 300 минг тонна минерал ўғит, 1 миллион тоннадан ортиқ цемент етказиб бермоқда.

УЛУҒ НОМГА МУНОСИБ

Мустақиллик йилларида "Зарафшон-Ньюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, Учқудуқда 3-Гидрометаллургия заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, "Агама" трикотаж фабрикаси, "Зариспак" олтинни қайта ишлаш, зираклар ва тилло тақинчоқлар ишлаб чиқариш корхонаси, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода ишлаб чиқарадиган цех ҳамда Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўли қурилиб ишга туширилди.

Эндиликда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар сони 25 тага етди. Яна ана шундай 18 та қўшма корхона барпо этилади.

Истиқлол йилларида 100 дан зиёд қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Маликработ карвонсаройи ва Сардоба, Навоий шаҳридаги аэропорт, Қосим шайх мажмуаси, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб барпо этилган 103 гектарлик улкан боғ, шеърият мулки султонининг муҳташам ҳайкали, ёзги театр, мўъжизавий фавворалар ана шулар жумласидандир.

Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида бунёд этилган бу гўзал мажмуани кўриб ҳайрату ҳаяжондан лол қоласиз. Буюк шоир номи билан аталувчи боққа ўтқазилган 16 минг туп терак кўчатлари чор-атрофга алоҳида файз бахш этиб турибди. Биргина ҳайкал атрофига 30 минг туп гул кўчати ўтқазилди. Шунингдек, хиёбонда 57 та гулзор барпо этилди.

Хуллас, ҳазрат Навоий номидаги мазкур боғ халқимизнинг азиз қадамжосига айланиб қолиши тайин.

Бу йил вилоят ғаллакорлари давлатга 80 минг тонна дон сотдилар. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Вилоятнинг бепоён чўлларидаги қумликларда ўзгача бир синоат борки, буни навоийлик чўпонлар етиштирган қоракўл терилардаги жилолар жозибасида кўриш мумкин. Дунёга ҳайрат улашадиган бу сержило терилар худди шу бепоён чўллар маҳсулидир. Навоийликлар деганда кўз ўнгимизга ана шундай жилвакор терилар ижодкорлари - бағри чўлу биёбонларидек кенг ва оташли чўпон аҳли келади.

Вилоят бўйича шартнома режасида кўзда тутилган 680 тонна ўрнига 776 тонна сифатли пилла тайёрланиб, бу борадаги режа 114 фоизга бажарилди. Навоийлик пиллачилар республикамиз бўйича энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти"нинг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири.

Навоий вилояти аҳли ва фахрийлари

Жонажон Ватанимизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги айёми билан чин юракдан муборакбод этамиз!



Ота-боболаримиз, аждодларимиз орзиқиб кутган дориламон кунлар етиб келганига ўн йил тўлди.

Ўн йилдирки, биз Оллоҳ берган ана шундай буюк неъматдан баҳраманд бўлиб, бахтли замон нашидасини сурапмиз. Шу туфайли кўксимизни эгаллаган фахр туйғуси ва ёқимли ҳаяжондан энтикиб-энтикиб нафас оляпмиз.

Ҳа, Яратганга шукрлар бўлсинки, доно ва узоқни кўра оладиган Юртбошимизнинг одилона сиёсати туфайли севимли диёр - Ўзбекистонимиз бағрида тинч-тотув, аҳил яшамоқдамиз.

Шуниси қувончлики, жамоамиз аҳли бугунги қутлуғ шодиёнани муносиб кутиб олишди. Қўлга киритган ютуқларимиз фикримизнинг нечоғлик тўғри эканлигини исботлайди. "Ўзагросуғурта" ДАСК Самарқанд вилояти дирекциясида 2000 йил ва 2001 йил ярим йиллик суғурта туширилган шумларини таққослаб, таҳлил қилиш жараёнида ҳам бунга тўла амин бўлдик. Яъни, суғурта тушумларининг ихтиёрий ва мажбурий жами 21 та тури бўйича ўтган йилнинг ярим йиллиги ва шу йилнинг ярим йиллиги солиштирилганда, суғуртанинг ҳар бир тури бўйича ўсиш кўзга ташланади. Биргина мисол. Ўтган йили шу даврда жами суғурта тушуми 114 миллион 256 минг сўмдан ошган бўлса, бу йил олти ойликда 198 миллион 39 минг сўмдан ошди. Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Энг қувончлиси шундаки, мустақиллик йилларида одамлар суғуртанинг афзаллик томонларини англаб етдилар. Суғурта ижтимоий, моддий, маънавий жиҳатдан мададкор бўлишини билиб олдилар.

Фахриддин ФАЗЛИЕВ,
"Ўзагросуғурта" ДАСК Самарқанд вилоят дирекцияси директори.

МАҚСАДИМИЗ - ЭЛ БАХТИ, ВАТАН РАВНАҚИ!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Она-Ватанимизнинг барча фуқароларига, қишлоқ хўжалиги ходимларига Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муборак бўлсин!

Ўзбекистоннинг табаррук тупроғида ризқ-насибамиз мўл-кўл бўлаверсин!

"ДУНЁ-М" ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

жамоаси ўзбек халқини табаррук айём -

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ байрами билан самимий табриклайди.

Корхона аҳли Сизларга узоқ умр, бахт-саодат, меҳнат фаолиятингизда улкан зафарлар тилайди. Илоҳим, ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Меҳнаткаш ва танти элимизнинг дони мўл, ризқи бутун бўлсин!

Байрам дастурхонини бизнинг ҳам ширмой нонларимиз безаб туришидан бенихоя мамнунмиз

"ЧИРОҚЧИ-105" АВТОКОРХОНАСИ ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

жамоаси мамлакатимиз аҳлини

энг улуғ, энг азиз байрам -

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги айёми билан чин юракдан муборакбод этади. Фурсатдан фойдаланиб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, юртимиз равнақи йўлидаги яратувчилик меҳнатида улкан зафарлар тилайди.

"Чироқчи-105" автокорхонаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 365 кишилик меҳнат жамоаси тажрибали ва ишбилармон раҳбар Ҳамидхон Раҳматуллаев бошчилигида кўплаб ижобий ютуқларни қўлга киритмоқда. Жамият тасарруфидаги мавжуд 135 та турли русумдаги юк машиналари, 48 та автобуслар юқори унум билан ишлатилмоқда. Ўтган йили автокорхонанинг юк ва йўловчи ташиш йиллик режалари ошириб бажарилди ҳамда йил якунида режада белгиланган 48 миллион сўм ўрнига 60 миллион 858 минг сўм соф даромад олишга эришилди. Ушбу кўрсаткич шу йилнинг ўтган олти ойи давомида эса 41 миллион 331 минг сўм ўрнига 48 миллион 859 минг сўмни ташкил этди. Яқинда автокорхона жамоаси 13 та янги "Дамас" ва 2 та "Тико" автомашиналарини харид қилди. Йил охиригача эса яна 10 та "Отойўл" ва 10 та "Дамас" машиналарини сотиб олиш режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, "Чироқчи-105" автокорхонаси очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳам табаррук Истиқлолимизнинг 10 йиллиги айёмини ёруғ юз билан қаршилади.

Она Заминимизда энг муқаддас ҳисобланган Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами билан Ўзбекистонда яшаб турган барча халқларни табриклаймиз!

Ер ресурслари давлат қўмитаси /
Тупроқшунослик ва агрокимё институти
"Ер кадастри" шўъба корхонаси
"Геоинформкадастр" давлат унитар корхонаси

ЙЎЛЛАР РАВОН — ДИЛЛАР РАВШАН

Ватанимизда азалдан йўлсозликка ва меъморчилик санъатига алоҳида эътибор қаратилган. Бу икки соҳа мустақиллик йилларида тез ривожланди. Ҳар гал Оҳангарон тарафга йўлим тушганда ёки Самарқандга отланганимда Тошкент вилояти ҳудудидаги равон йўлларни кўриб бу фикримга қайта-қайта амин бўламан. Ва ҳар сафар қадим бир ривоят кўз олдимда жонланаверади. Ровий шундай ҳикоя қилади:

"Дунёга шуҳрати кетган давлатнинг одил ҳукмдори шундай фармон берибди: "Кимки менинг камчиликларимни юзимга айтса, тўғри йўл кўрсатганлиги учун бўйи баробар сийму зарга кўмаман". Лекин, ҳеч ким одил ҳукмдорнинг камчиликларини юзига айтишга ботинолмабди. Бундан ранжиган подшоҳ яна фармон берибди: "Юртнинг тақдири, аслида, биринчи фармонга боғлиқ эди. Чунки, мен камчиликка йўл қўйсам маълум бир тоифа халқ озор чекиши шубҳасиз. Фуқаролар хато қилсалар-чи? Унда, бориб-бориб, бутун жамиятга ўша хатонинг касри тегиши мумкин. Бугун сизлар ана шундай хатога йўл қўйдиларингиз. Чунки, атрофимда маддоҳлар кўпайди. Ҳеч ким камчилигимни айтмаяпти. Наҳотки, мамлакатимиз ҳудудида бирорта ҳам холис фикрли фуқаро қолмаган бўлса?" Узоқ бир қишлоқда, узлатда яшовчи Шайхнинг қулоғига бу гаплар етиб борибди. Шунда ул зот подшоҳнинг бу қадар одиллигидан суюниб, ҳаяжонланиб, уни зиёрат қилгани шошилибди. Саройга яқин бир шаҳарга келганида, қаровсиз ётган йўлда бир қария деҳқоннинг оти қаттиқ сурилишдан оёғи синганини, чорасиз камбағал нима қиларини билмай чор атрофга мўлтираб турганининг гувоҳи бўлибди. Отингизнинг баҳридан ўтинг,- дебди Шайх қарияга. –Яхшиси менинг уловимни олинг-да, ҳаққимга дуо қилинг.

Шундай қилиб Шайх отини қарияга қолдириб, ҳукмдор ҳузурига пою пиёда йўл олибди. Подшоҳ аёнлари ҳузурида ўз саволларини такрорлабди. Шайх ҳукмдорга юзланиб:

-Эй, одил подшоҳ, фармонларингиздан қалбим ларзага тушди. Амиру ҳукмдорлар остонасига қайта оёқ қўймайман деб онт ичган бўлсам-да, бу қадар адолатдан аҳдимни бузди. Ҳузурингизга келдим. Мамлакат тинч, фуқаролар фаровон ҳаёт кечирмоқда. Қариялар эртаю кеч ҳаққингизга дуодалар. Бироқ, бугун сизнинг камчилигингиз шуки, атрофингиздаги маддоҳлар сиздан ҳақиқий аҳволни яширишади. Амиру қозиларнинг порахўрлигига шериклик қилишади. Билингки, мабодо, қайсидир бир гузарда инсон у ёқда турсин, ҳаттоки, от-уловнинг оёғига ботган чақир тикан учун ҳам унинг азияти гуноҳи сизнинг гарданингизга тушгай.

Бу қадар холис фикрдан подшоҳ беҳад суюнибди. Шу куниёқ мамлакатдаги барча қаровсиз йўл ва роботларни обод қилишга фармон берибди. Подшоҳнинг одиллиги, Шайхнинг холислиги сабаб порахўрликнинг илдизи қирқилибди. Мамлакат гуллаб яшнабди. Подшоҳнинг умрига умр қўшилибди".

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида бизда ҳам йўлсозлик соҳаси, шаҳарсозлик санъати ривож топди. Бу алалоқибат мамлакатимиздаги шаҳарларнинг обод ва фаровон бўлишига олиб келди. Германия, Япония каби илғор давлатлардан келтирилган энг замонавий техникалар йўлларимизни шу қадар равонлаштирмоқдики, кўриб дилингиз яйрайди.

"Тошкентавтойўл" вилоят йўл кенгаши жамоасининг ишлари билан танишар эканмиз бу фикрларимиз янада ойдинлашади. Чунки, вилоят республика миқёсида алоҳида стратегик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Мавжуд автомобил йўллари орқали халқаро ва минтақалар аро юклар, минглаб йўловчилар ташилмоқда. Истиқлол туфайли хорижий давлатлардан келаётган юк ташиш транспортлари қатнови ҳам йўлларимиз равонлигини доимий таъминланишини тақозо этаяпти. "Тошавтойўл" тасарруфида жаъми 14836 км. йўл тармоғи мавжуд бўлиб, шундан, 3502 км. умумфойдаланувчи йўллардир.

Байрам арафасида, Ойтамғали қишлоғи яқинидаги Оққўрғон ва Қуйичирчиқ туманларини бир-бири билан боғловчи янги кўприк қурилишини бориб кўрдик. У ҳақида анчадан бери эшитардик. Атроф қишлоқдагилар бундай кўприкни жуда-жуда орзиқиб кутишаётганини айтишди. Чунки, Ангрен дарёси устидан тўғри Оққўрғон туманига ўтадиган йўл йўқлиги боис, аҳоли, тўй-ҳашамга, қариндош-уруғларникига, бозор-ўчарга, қолаверса, Тошкентга тушиш учун бир қадар ноқулай ва узоқ бўлган айланма йўлдан қатнашди.

Ёз жазирамаси бўлишига қарамай, йўлсозлар ғайрат билан асфальт ётқизишмоқда. Германиядан келтирилган замонавий техникалар бир маромда йўлни равонлаштиряпти. Кўприк деярли битиб қолган.

-Мустақиллик тўйигача фойдаланишга топширамиз,- дейишди йўлсозлар.

Ўтган ҳафтада янги кўприк фойдаланишга топширилганини эшитдик...

Вилоят автойўл бирлашмасида бўлганимизда бугун жамоанинг асосий эътибори қайтадан қурилди. 23 км. узунликдаги пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Қозоғистон, Тожикистон давлатлари билан чегарадош ҳудудлардаги йўллар ҳам қайта таъмирланди, янги

кўприклар қурилди. Табиий офатлардан яроқсиз ҳолатга келган сунъий иншоотлар махсус режа асосида таъмирланди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг салоҳиятидан, қолаверса "Тошавтойўл" вилоят йўлсозларининг муносиб меҳнатларидан нишона.

Йўлсозлар таъмирлаш, қайта қуриш ишлари билан биргаликда "Олма-ота – Бишкек – Тошкент – Термиз" йўналишларида босқичма-босқич 4 тасмаликдан 6 тасмаликдан йўлга ўтиш ишларини олиб боришяпти. Халқаро йўналишда қатнаётган юк ташувчи автомобиллар учун иккита техник ёрдам кўрсатиш пунктини ишга тушириш арафасидалар.

"Тошкент - Ўш" йўналишида эса янгидан иккита кўприк барпо этилади. Халқаро аҳамиятдаги йўналишларда олиб борилаётган бундай ободонлаштиришлар халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Биз, "Тошавтойўл" вилоят йўл кенгаши жамоасининг байрам олди ишлари билан танишар эканмиз, мамлакатимизда йўлсозлик Истиқлол йилларида бир қадар юксалганига амин бўлдик.

Ш. СИДДИҚЗОДА,
журналист.

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАР

“Туронбанк” акциядорлик тижорат бирлаштирув банки ташкил топганига ҳадемай 11 йил тўлади. Бу ўртада кўп сувлар оқиб ўтди. Жамоа ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўл қўйди. Ҳаттоки, вазият жуда нозиклашган пайтлар ҳам бўлди. Бироқ, тинимсиз изланишлар, жамоанинг билимдон “банкир”лар билан қайта шаклланиши туфайли инқирозлар ортда қолди.

Мамлакат сув хўжалигини тараққий эттириш, шу соҳа билан боғлиқ барча хайрли ишларни молиялаштириш банкнинг асосий фаолияти саналади. Бироқ, бугун жамоа бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Имкониятлар даражаси кундан-кунга кенгаймоқда. У кўп тармоқли банкка айланди.

Бугун мамлакат сув хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш, юзага келадиган муаммоларни ҳозиржавоблик билан ҳал этиш Ўзбекистон раҳбарияти эътибори ва назоратида турибди. Сув хўжалиги соҳаси Қишлоқ хўжалиги билан қондош эгизак. Бу икки тармоқни ривожлантирмасдан аграр ислоҳотларни муваффақияти тўғрисида гапириш ортиқча. Банк жамоаси масаланинг ана шу нозик жиҳатларидан келиб чиқиб иш юритяпти.

Рақамларга мурожаат этамиз: 2001 йил 1 июл ҳолатига 696 миллион сўмлик даромадлар олинган бўлса, 2000 йилнинг шу санасига нисбатан бу кўрсаткич 2,5 баробарга ўсишига эришилди.

Банк активларининг даромад келтирувчи қисми 2001 йил 1 январ ҳолатига 1,8 миллиард сўмдан 2001 йил 1 июл ҳолатига 3,4 миллиард сўмга ортиб, 5,2 миллиард сўмни ташкил қилган. Бу даромад келтирувчи активлар миқдори 2,8 баробарга ортганини кўрсатади.

“Турон банк” мамлакат сув хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш жараёнига хизмат қилувчи ягона банк бўлганидан унинг мижозлари асосан шу соҳа билан боғлиқ ташкилотлар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Банк республикадаги ирригация иншоотларини қайта таъмирлашда, янги ер майдонлари ўзлаштиришда ўз капитали билан фаол қатнашмоқда. Сув хўжалиги иншоотларини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан 2000 йилда ишлаб чиқилган аниқ ва истиқболли лойиҳалар туфайли вилоятларда 27 минг гектардан зиёд ерларнинг, сув хўжалиги иншоотларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 7,1 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. 32,4 минг гектар суғориладиган майдонларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Тошкентдаги “Солар”, Сирдарё вилоятидаги Жанубий Мирзачўл, Андижон вилоятидаги “Пахтаобод”, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги “А-1”, Хоразм вилоятидаги “Питняк Арна” каналлари, шунингдек, Бухоро вилоятидаги “Эски Амир Темур”, “Денгизкўл”, Қашқадарёдаги “Сичанкўл” зовурлари “Турон банк”нинг молиявий қўллаб-қувватлаши ҳисобига қайта таъмирланди. Сурхондарё вилоятидаги Имонов номли, Қодиров номли, Қашқадарёдаги “Дружба” каби сув чиқариш иншоотлари, Наманган вилоятидаги Чодак насос станцияси, Фарғона вилоятидаги “Сох” сув омбори, Сурхондарёдаги “Тўпаланг” сув омбори сингари қатор иншоотлардаги қурилиш ишларида банк ўз сармояси билан иштирок этди.

Тошкент вилоятидаги “Содгрупп” хусусий корхонасини олайлик. Улар бундан бир йил муқаддам банкка тақдим этган ишончли кредит сўрашганида, тўғриси тадбиркорлар “масала бу ерда ҳам ижобий ҳал этилмас-ов”, деган хаёлга боришганди. Бироқ, “Турон банк”да бизнес режа маъқул топилди. Тадбиркорларга помидорни қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун имтиёзли кредит берилди. Мижоз ўтган мавсумнинг ўзида 40 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Ҳозир шахсий корхона банкдан олган қарзларини ўз вақтида тўлаб келмоқда.

Гулистон шаҳридаги “Полросс” қўшма корхонаси ҳам банкдан олган имтиёзли кредит ҳисобига ўқув дафтарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугун унинг савдосидан мўмай даромад ҳам олаяпти. Бухоро вилоятидаги Мажид бобо фермер хўжалигига ажратилган 1,6 миллион сўмлик имтиёзли кредит бу хўжаликда қорамол ва паррандачиликни ривожлантиришга имкон яратди.

Ҳужжатларда қайд этилишича, 2000 йил давомида “Турон банк” томонидан жами 950 та бизнес лойиҳа юзасидан 2,8 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу турли ҳудудларда сармоядор ва мулкдорлар сафи кенгайишига олиб келди. Алал-оқибат, аҳолининг банк хизматига бўлган ишончи ортди. Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, жойларда 1600 дан зиёд янги иш ўринлари юзага келди.

Жамоанинг қайта шаклланиши туфайли вилоятларда 16 та “мини-банк”лар очилди. 12 та ҳудудий бўлимлардан ташқари фаолият юритаётган “мини-банк”лар 460 нафардан ошиқ янги мижозларни ўзига жалб этди.

Бўка шаҳридаги “мини-банк”нинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, у бир қанча мижозлар ишончини оқлашга эришди. Бугунгача Қ.Тошхўжаев, Ж.Шодиев, Р.Эрниёзов, М.Хўжаев сингари хусусий тадбиркорлар, кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари “мини-банк” кредитлари туфайли ўз ишларини бир қадар ўнглашга эришдилар.

UzCaseMash

ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Меҳмондўст ва бағрикенг Ўзбекистон халқини Республиканинг Мустақиллик куни билан қутлаймиз!

Муҳтарам Президент Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва ғайратлари билан ташкил этилган қўшма корхонамиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш борасида меҳнат қилаяпти. Бу бизни мамнун этади, албатта.
Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар янада ривожланиб, тобишини тилаймиз!
Пахта устаси — деҳқон-фермерлар хирмонига барака, ҳар бир ўзбекистонликнинг хонадонига бахт ва шодлик ёғилсин!

ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!

O`ZOG`IRSANOATLOYIHA
ochiq turdagi aksiyadorlar jamiyati

Меҳнаткаш ва кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг ўн йиллик тўйи билан самимий муборакбод этамиз!

Институтимиз жамоаси ўзининг 60 йиллик фаолияти даврида Ватанимизнинг оғир саноатини ривожлантиришда астойдил меҳнат қилди. Олимларимиз, муҳандис ва лойиҳачиларимиз, айниқса, Мустақиллик йилларида хорижий сармоядорлар иштирокидаги Ўзбекистоннинг фахри бўлган корхоналарни бунёд этишга муносиб улуш қўшдилар. "Толимаржон" ГРЭСи, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш, Асакадаги "ЎзДЭУавто", "ЎзЭЛЛАС", "Согпласт-Максан", "Ўзбеккоғози" каби корхоналарда кўпчилик қатори бизнинг ҳам қалб кўримиз, ҳалол меҳнатимиз мужассамдир. Истиқлол туфайли халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида маҳсулот чиқараётган, экспорт орқали Ўзбекистон салоҳиятини намоён этаётган бу саноат корхоналари барчамизнинг гуруримиздир.

Кўпмиллатли жамоамиз, тажрибали олим ва муҳандисларимиз номидан барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз!

Сердечно поздравляем трудолюбивый и многонациональный народ Узбекистана с – 10 летием независимости!

Коллектив нашего института за свою 60-летнюю деятельность внес огромный вклад в становление тяжелой промышленности республики. Наши ученые, инженеры и проектировщики совместно с зарубежными инвесторами, плодотворно трудились за годы независимости, вложив весь потенциал знаний и труда в создание крупных промышленных предприятий, ставших символом процветания Узбекистана. Такие промышленные гиганты, как Талимарджанская ГРЭС, Бухарский и Ферганский нефтеперерабатывающие заводы, Асакинский завод "УзДЭУавто", "УзЭЛЛАС", "Согпласт-Максан", "Узбекбумага" являются бесценным достижением нашей Родины, результатом нашего самоотверженного труда во имя процветания Отчизны. Эти и другие промышленные предприятия, производящие добротную продукцию показывают через экспорт товаров свои высокие технологии и возможности. Тем самым они демонстрируют непререкаемый авторитет молодой демократической республики на мировой арене.

Желаем всем мира и спокойствия, доброго здоровья, счастья и процветания!

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

ХУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!
Сизларни республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллиги билан қутлаймиз! Тинчлик, хотиржамлик ва хуш кайфият бир умрлик ҳамроҳингиз бўлсин!

"Ўзсаноатқурилишбанк" сизларга мамнуният билан маълум қиладики, шу йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахслар учун исм, фамилияси ёзилмаган депозит (омонат) сертификати муомалага чиқарилган. Ушбу сертификат орқали талаб қилиш ҳуқуқини ўзга шахсга беришни оддий йўл, яъни уни шу шахсга топшириш билан ҳал этиш мумкин. Депозит (омонат) сертификатнинг номинал қиймати 10 минг сўм, муомалада бўлиш муддати – 3 ой, тўланадиган даромад миқдори – йиллигининг 42 фоизи.
Ушбу қимматбаҳо қоғознинг афзаллиги шундаки, сотиб олиш, фойдаланиш ва сақлаш жуда жўн, шунингдек, катта суммадаги пулни кўтариб юришга нисбатан бирмунча қулай.
"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг депозит (омонат) сертификатини сотиб олиш ўз жамғармангизни даромадини вақтида тўлаш кафолатланган ҳолда омонатга қўйиш деган гапдир. Бунинг устига даромадингиздан солиқ олинмайди.
Депозит (омонат) сертификатларини "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг республикамизнинг барча минтақаларидаги омонат кассаларида ҳеч қандай тўсиқларсиз харид қилишингиз, муддати тугагач, пул маблағларини олишингиз мумкин.
"Ўзсаноатқурилишбанк" депозит сертификати - Сизнинг оилангиз бюджети ҳақида ғамхўрликдир.
Депозит (омонат) сертификатни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби вақтингизни тежайди.

Омонат сертификатларини сотиб олиш ва ўз жамғармангизни янада бойитиш учун шошилинг!
Зеро, вақт пул демакдир!

Маълумот учун телефонлар: 120-45-76, 133-34-45,120-45-17.

Бош муҳаррир
Ўткир
РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари),Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - **133-09-93** - **133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27**, **133-44-43**, котибият— **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21**, **136-56-25**, **136-54-42**, реклама ва эълонлар— **136-56-30** (факс).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - **5-19-58**;
Андижон - **5-32-23**;
Бухоро - **6-48-22**;
Жиззах - **5-53-59**;
Навоий - **5-88-56**;
Наманган, Фарғона - **6-52-10**;
Самарқанд - **33-00-52**;
Сурхондарё - **5-26-61**;
Сирдарё - **5-41-73**;
Тошкент - **136-56-21**;
Хоразм - **6-40-80**;
Қашқадарё - **5-17-65**.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«RUTA PRINT» қўшма корхонасида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри И.Аҳмад кўчаси - 8

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Т.ДОЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма RP-166/2001
қоғоз бичими А-3
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди
Бош дизайн устаси Шодиёр Мутаҳҳархон ўғли
Компьютер операторлари Е.ДМИТРОВСКИЙ. Л.ЛИ.

123346